

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ  
ЖАХОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ҲАДИСЛАРИДАГИ ҲИКМАТЛАР  
мавзусидаги  
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

*Бажарди: 5120300-тарих таълим йўналиши*

*битирувчи 4-курс талабаси*

*Рахмонова Шоира Жуманазар қизи \_\_\_\_\_*

*Илмий раҳбар: ўқ.Г.Аҳмедова \_\_\_\_\_*



*Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди. №\_\_сонли баённомаси “ \_\_\_\_”  
\_\_\_\_\_ 2017 йил*

**Термиз-2017**

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>1.Боб.Ўзбекистон буюк алломалар юрти</b>	
1.1.Абу Исо Муҳаммад Имом Термизий – буюк муҳаддис ва етук аллома.....	7
1.2. Абу Исо Муҳаммад Термизий маънавий меросини ўрганишга бўлган эътибор.....	18
<b>2.Боб. Абу Исо Муҳаммад Имом Термизийнинг маънавий мероси</b>	
2.1.Суннани Термизий ҳадислар тўпламида инсонийлик фазилатлари.....	29
2.2. Абу Исо Муҳаммад Имом Термизийнинг “Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари” ҳадислар тўплами хусусида .....	62
<b>Хулоса.....</b>	<b>79</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйзати.....</b>	<b>82</b>

## К И Р И Ш

**Мавзунинг долзарблиги:** Мамлакатимиздаги ҳар бир шаҳарнинг ўз тарихий ўтмиши ва ўзига хос анъаналари бор ҳамда ушбу тарих бир бутун ҳолда Ватан тарихини намоён этади. Ҳар бир шаҳарга хос ана шу хил тарихий ўтмиш унинг, яъни ўша шаҳарнинг катта-кичиклигидан қатъи назар у ўз тарихи билан Ватанимиз тарихига муҳим ҳисса қўшади, тарихимиз саҳифаларини тўлдиради. Ўтмишнинг ўта сирли, мозийнинг сеҳрли воқеаларига гувоҳ Термиз шаҳрининг ҳам тарихий кечмиши Ватан тарихининг ажралмас бир бўлагини ташкил этади. Ўзбек илмини жаҳонга доврўғини таратган буюк алломалар ва улуғ авлиёлар етишиб чиққан. Варроқ Термизийнинг жияни Имом Исо ат-Термизийни Ислом дунёсида билмаган киши йўқ, унинг ҳадисчиликдаги фаолиятини ҳар бир мўмин-мусулмон яхши билади. Имом Исо ат-Термизий – улуғ муҳаддис, етук олим ва даврининг барча шон-шуҳратларига сазовор этилган буюк уламои замондир. Имом Исо ат-Термизийнинг “Сунани Термизий” (“ал-Жомиъ ас-саҳиҳ”, қисқача “ал-Жомиъ” ва “ас-Саҳиҳ” ҳам дейилади, бошқа номларда ҳам аталади) асарида ҳадислар илк бор туркумларга ажратилиб, уларнинг даражаси белгилаб берилди. Шундан эътиборан ҳадислар “ҳасан –саҳиҳ – ғариб” га тақсимланиб, уларнинг аниқлик даражасига ишора пайдо бўлди ва бу ҳодиса таомил тусини олди. Албатта, ҳар бир ҳадис сўнггида унинг “ҳасан” ёки “саҳиҳ” ва “ғариб” даражасининг кўрсатилиши, яъни қатъий таъкидланиши ҳадиснависликда янгилик бўлиши билан бир қаторда ўзининг қулайликлари билан ҳам аҳамиятлидир.

2017 йилнинг 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг **“Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорнинг асосий мақсади – Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз

авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтиришдан иборат. Абу Исо Муҳаммад Имом Термизийнинг маънавий меросини ўрганишга бўлган эътибор, Суннани Термизий ҳадислар тўпламида инсонийлик фазилатлари, “Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари” ҳадислар тўплами хусусиятини ёритиш ушбу БМИнинг долзарблигини кўрсатади.

**Мавзунинг мақсад ва вазифалари:** Абу Исо Муҳаммад Имом Термизий бундан минг йилларча олдин тўплаган ва лекин тобора кадр-қиммати ортиб бораётган муборак ҳадисларидаги ҳикматлари маънавий бойликнинг энг муқаддас, битмас-туганмас абадий бойлик эканлиги янада чуқурроқ англаб етишда хизмат қилади. Абу Исо Муҳаммад Имом Термизийнинг шоҳ асарларидан “Сунани Термизий” бўлиб, бу асарда мазҳаб жиҳатларининг ҳисобга олиниши бир дарёдан чиққан тўрт “ҳуқуқий ирмоқ” нинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг далил ва ҳужжатларини, мустаҳкам ва мукаммалигини намоён этади.

Умуман, ҳар қандай замонда ҳам фақат адолатга етакловчи ҳуқуқий ғоялар ўз аҳамиятини йўқотмайди, балки янада муҳим ва долзарб бўлиб бораверади.

**Мавзунинг ўрганилиш даражасининг қиёсий таҳлили.** Истиклол даврига келиб, юртимизда аллома меросини ўрганишга бўлган қизиқиш янада ошди ва бу борада талай ишлар амалга оширилди. Ўзбек олимларининг бир-кетин мақола ва рисоалари пайдо бўлди, илмнинг ушбу соҳасида туб бурилиш даврига ўтилди. Аммо инсоф юзасидан айтганда, дастлаб ёзилган мақола ва рисоаларнинг айримлари ҳали ғўр эканлиги ошкора сезилиб қолар эди, ҳойнаҳой илк қадамлар қўйилмоқда эди. Бунинг сабабларидан бири манбаларнинг камлиги бўлса, бошқа тарафдан гоҳо соҳага алоқаси йўқ кишиларнинг аралашуви билан изоҳланади.

**Мавзунинг илмий янгилиги ва аҳамияти.** Тадқиқот иши тўпланган кўплаб материаллар асосида ёритилди. Шунчаки ёритилиб қўйилмади, балки

Абу Исо Муҳаммад Имом Термизийнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда “Сунани Термизий” асарининг моҳияти ҳақида баён қилинди. Мавзунинг янгилиги ва аҳамияти унинг яхлит бир ҳолга келтирилиб, қимматли маълумотларни кенг ўқувчига етказиш учун тайёрланганлигидадир. Ўрганилган илмий асарлар асосида илмий тадқиқот ишининг сифати ва самарадорлигини оширишга эришилди.

**Мавзунинг предмети-**мавзуни миллий руҳият, ижтимоий онг, оилавий ва маънавий ҳаётнинг ҳозирги давр талабига жавоб бера оладиган даражада ривожланиши, шубҳасиз, халқнинг эркинлиги, унинг давлат тузилиши билан бевосита боғлиқлиги ва маиший урф-одатларини манбалар, ҳужжатлар, адабиётлар ва И.А.Каримовнинг нутқлари, асарларига таянган ҳолда ҳолисона ёритишдан иборатдир.

**Мавзунинг тадқиқот объекти.** Абу Исо Муҳаммад Имом Термизийнинг маънавий меросини ёритишга қаратиш тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади.

**БМИнинг тузилиши.** Кириш, 2 боб, 4 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан иборатдир.

**Адабиётлар таҳлили:**Мавзуни илмий тадқиқ Абу Исо Муҳаммад Имом Термизийнинг ҳаёти, ижоди ва маънавий меросига бағишланган илмий тарихий асарлардан унумли фойдаланилди.

Имом Термизийнинг шоҳ асарларидан “Сунани Термизий” ва “Шамоиلى Муҳаммадия” (Пайғамбарнинг алоҳида фазилятлари) асарларининг ҳадис-ҳикматларига тўхталиб, қисман муаллифнинг ҳаёти, ижоди ва асарига оид маълумотлари билан таққосланиб таҳлил этилган.

Бундан ташқари Имом Термизийга оид тадқиқотлар: С.Турсуновнинг Термизийларнинг илмий тафаккури. (Т. “O`zbekiston” НМИУ, 2016. -280 б.), Термизий алломалар (Тошкент, “Yangi nashr”, 2015. 272-бет,) асарларидан ҳам кенг илмий таҳлил қилиниб битирув малакавий ишига керакли маълумотлардан фойдаланилди.

Истиқлолнинг илк йиллари олимлардан М.Ҳасаний ва Ғ.Жўраева алломанинг “Наврўзнома” ва “Солнома” (1991)<sup>1</sup> асарларини нашрга тайёрлашди. Тарихчи олимлардан Ш.Бобохонов, А.Ирисов “Ҳадис илмининг пешволари” рисоласи (1992) да “Яна икки Термизий ҳақида” номли мақола илова этиб (–Б. 48–54.) кўп манбаларда аллома ҳақида сўз юритишади. Ш.Сафаровнинг “Термиз ва термизийлар” (–Термиз: Жайхун, 1993.–128 б.) рисоласида аллома зикрига доир бир ривоятлар келтирилган, тарихчи олим С.Турсуновнинг “Термизий буюк сиймолар” (–Т.: Шарқ, 2002.–80 б.) рисоласида алломага оид маълумотлар анча ихчам берилади. “Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари” (–Т.: Adabiyot va san’at, 2001.– 48 б.) рисоласи муаллифи А.Холмирзаев аллома борасида мустақил фикрлар билдиришга интилган. Адабиётшунос М.Азимов “Термиз тарихи” (–Қарши: Насаф, 2001.–193 б.) рисоласида Абу Исо Муҳаммад Имом Термизий хусусида қисқа хабарлар билан чекланса, “Сурхондарё ижодкорлари” (Қарши: Насаф, 2006.–308 б.) асарида Абу Исо Муҳаммад Имом Термизийга оид мавжуд изланиш ва тадқиқотлардан айримларини санаб ўтиш билан кифояланади. Иқтидорли ёшларни тарбиялаш, сафарда бўлиш, қарияларнинг ёшларга насиҳати, сабр, маслаҳат, кенгашнинг фойдаси, бозор иқтисоди умуман комил инсон тарбиясига хос бўлган барча ҳаётий муаммолар эътиборни ўзига жалб этадиган жозибали бир услубда ёритилган.

---

<sup>1</sup> Манбаларнинг санаси кўрсатилгани адабиётлар рўйхатида мавжуд, қолганларининг маълумоти қавсда берилди.

## 1.Боб.Ўзбекистон буюк алломалар юрти

### 1.1. Абу Исо Муҳаммад Имом Термизий– буюк муҳаддис ва етук аллома



*“Яна бир улуғ ватандошимиз – Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг маънавий мероси, жумладан, “Сунани Термизий” асари ҳам мусулмон оламида ана шундай юксак қадрланади. Алломанинг асрлар давомида олимۇ фузалоларга дастур бўлиб келган инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи гоёлари ҳозирги мураккаб давримизнинг кўплаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишида ҳам муҳим аҳамият касб этиши билан эътиборга моликдир”.*

**Ислом Каримов**

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок ас-Суламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий ҳадис илми пешволаридан биридир. Имом Термизий номи ила машҳурлик оламига кирган мусулмон дунёси муҳаддислари орасида ўз ўрни ва ўз мақомига эга буюк зотлар қаторида туради. Унинг ҳадиснависликдаги улуғ хизматлари ҳар бир замонда қадрланиб, ҳамиша ўз эътрофини топиб, чуқур эҳтиромга сазовор бўлиб келди. Имом Термизийнинг исмларидаги Абу Исо куня бўлиб, у Исонинг отаси маъносини беради, боиси арабларда отани бош ўғил фарзанд исми билан аташ одат бўлган. Зеро, ўғил фарзанд авлод давомчиси, аждодлар устуворлиги, сулола ва салтанат қуввати ҳисобланади. (Чунончи, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг оилавий исмлари Абулқосим – Қосимнинг отаси, сабаби Муҳаммад с.а.в.нинг тўнғич фарзандларининг исми Қосим бўлиб, у гўдаклик чоғи икки ёшида оламдан ўтади.) Имом Термизий зоти шарифларининг оталарининг исми Исо бўлган, демак, Имом Термизий ўз ўғиллари(невара)га ҳурмат юзасидан оталари(бобо)нинг исми шарифини қўйган эканлар. Имом Термизийнинг аз-Зарийр (қўзи ожиз) дейилиши эса, ул зоти шарифлари кексайган чоғлари кўзлари хира тортиб қолгани сабабидан шу хил ном олади. Ҳофиз Юсуф ибн Аҳмад ал-Бағдодий “Ат-Таҳзиб” (“Озодалик”) китобида: “Термизий умрларининг охирига бориб кўздан қолди” деса, ал-Ҳоким Абу Аҳмад: “Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этганларида Хуросонда

эдим. У кишининг ортидан илм, ҳифз, вараъ ва зуҳд бобида Абу Исо (Термизий) дек бошқа бир зот қолмади. Термизий йиғлайверганидан кўзларидан жудо бўлиб қолди ва бир неча йиллар аъмо (кўрмас) ҳолатда яшади”<sup>2</sup>. Ул зотга Суламий деб нисба берилгани эса, боболаридан қайсидир бири сулам деб аталувчи араб қабиласи аъзоларидан бири билан яқин дўст тутинган экан. Буғий дейилишига келсак, манбаларда айтилишича, имом Термизий умрининг сўнгги дамларини Буғ (Шеробод туманидаги қишлоқлардан бири) да ўтказганлиги боис, шу нисба берилади. Манбаларда гоҳо имом Термизий Буғда таваллуд топган ва шунга кўра ал-Буғий нисбасини олган дейилади, айрим манбаларнииг тасдиқлашича, ул зоти шарифлари муқаддас замин – Термиз шаҳрида туғилиб ўсганлар. Дарҳақиқат ул зоти шарифнинг ўзлари таржимаи ҳолларига тегишли бир нақлни ҳикоя қилиб: “Бобом асли марвлик эди, у киши Лайс бин Сайёр замонида яшаган, сўнг у ердан Термизга кўчиб келганлар” дейди <sup>3</sup>. Имом Абу Исо Термизийнинг ҳаёт йўли, ижодиёти, илмий фаолияти кўпроқ Термиз шаҳри билан узвий боғлиқлиги туфайли ат-Термизий нисбаси у кишининг исми таркибига тиркалиб битилади. Ҳар қалай, имом Термизийнинг Термизда таваллуд топгани ва шу ерда илк таҳсилини олгани ҳамда умрининг охирида Буғда яшагани, ўша жойда вафот этгани ҳақиқатдир. Демак, имом Термизийнинг Абу Исо – кунялари, Муҳаммад – исмлари, Исо – оталарининг исмлари, Савра – боболари, Мусо – катта боболари ва ҳоказо.

Ёшлиқдан илмга чанқоқ Имом Термизий дастлабки сабоқларини она шаҳарлари Термизда олгач, кейин бошқа турли шаҳарларга равона бўлади ва ўша шаҳарларда таълим олади, ўз билимини чуқурлаштирди. У муттасил йигирма йил давомида турли юртларни кезади, ҳадисларни ўрганади ва уларни жамлаб боради. Абу Исо 20 ёшида чет мамлакатларга чиқиб кетади, бу 844 йилга тўғри келади, ниҳоят, 20 йилдан сўнг она шаҳри Термизга қайтиб келади, бу 864 йил бўлади. Буюк зот сафарда бўлганларида турли олимлардан

<sup>2</sup> Термиз тазкираси / Мусанниф: М. Кенжабек. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – Б.80.

<sup>3</sup> Совет Шарқи мусулмонлари. – 1990. – 3 (87). – Б. 1.



илми ҳадис, илми қироат, илми баён, илми фиқих, тарих илми ва бошқа фанларни ўрганди. Имом Термизий ўз устозлари буюк муҳаддис Имом Бухорий (810 – 870) билан 867 йили Нишопур (Эрон)да учрашиб, танишади. Устоз ва шогирд ўзаро ҳадис илми борасида баҳс ва мунозара қилишади ҳамда музокара олиб боришади, хуллас, бу учрашувлар ва қизгин суҳбатлар ҳар икки улуғ зотга улкан бир баҳра бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ана шундай қилиб, Имом Термизий ўзининг машҳур “Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”) асарини ярата бошлайди, асарнинг тўлиқ номи “Китоб жомиъ ас-Саҳиҳ”дир. Бу асар яна турли номларда аталади: “Ал-Жомиъ” (“Тўплам”), “Ал-Жомиъ ал-кабир” (“Катта тўплам”), “Саҳиҳ ат-Термизий” (“Термизий саҳиҳлари”), “Сунан ат-Термизий”, “Сунани Термизий”, “Ас-Сунан”. Аммо имом Термизий ҳазратлари ҳадис билимида “сунан” йўналишининг асосчиларидан бири бўлгани боис, бу китоб кўпинча, “Сунани Термизий” номи билан шуҳрат топгандир. Хуллас, ҳадис китоблари “сунан” истилоҳи билан атала бошлайди ва “ҳадис” сўзининг маъноси шулким, билдириш – хабар бериш, нақл этиш, яъни Пайғамбар ҳадислари – Пайғамбар сўзлари демақдир. Баъзан уламолар ҳадис китобларининг “Сунан” номини олиши сабабини бу китобларга аҳком (ҳукм, тўғрироғи ҳукмий) ҳадислар, асосан, фикҳ масалаларига тегишли боблар илова этилиб, тартиб берилганидан излайдилар. Яна таъкидланишича, имом Термизий қаламига мансуб ҳадис китобининг “ал-Жомиъ ат-Термизий” (“Термизий тўплами”) номига эга бу асарда ҳадис илмининг саккиз фанний тармоғи тажассумини топган экан, улар қуйидагилардир: сийрат, одоб, тафсир, ақоид, фикҳ, аҳком, шарт ва маноқибдир. Имом Термизий асарининг турфа номларда юритилиши хусусида мана бу маълумот жуда аниқ тасаввур беради: “Имом Термизийнинг бу борадаги хизматлари ул зотнинг таълифотлари бўлмиш “Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ” китобидир. Бу китобни баъзилар, масалан, Абдурахмон ибн Абу Бакр ас-Суютий (1445–1505) ўзининг “Тадбир ар-Розий” китобида “Саҳиҳ ат-Термизий” деб атайди. Баъзилар “ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ” деб номласалар, бошқалар “ал-Жомиъ ал-Кабир” деб юритадилар.

Энг машхур атама “ас-Сунан” бўлиб, муаллифга нисбат берилганда “Сунани ат-Термизий” (гоҳо “Саҳиҳи ат-Термизий”) номи билан шуҳрат топган”<sup>4</sup>.

Имом Термизий “Сунани Термизий” асарини ўз ватанига қайтгандан кейин ёза бошлаган эканлар, бу пайтга келиб, у улуг мутафаккир 40 ёшдан ошган эди. Демак, маълум бўладики, Имом Термизий ўз асарларини, асосан, 40 ёшдан 60 ёшгача бўлган чоғлари, яъни шу ораликда ёзиб тугатади. Абу Исо ҳадисларни жамлар экан, уларни, аввало, гуруҳларга ажратади, сўнг тасниф этади ва “саҳиҳ”, “ҳасан” “заиф”, “ғариб” тарзида табакаларга тақсимлаб чиқади. Ана шу тариқа имом Термизий ҳадисларнинг энг ишончлисини ажратиб олади ва уларнинг авлодларга безавол етишини таъминлашга эришади. Саҳиҳ – энг тўғри ва ишончли маъносини англатади; ҳасан эса – чиройли, гўзал, яхши, маъкул демак; заиф – бўш, ишончсиз; ғариб – ғалат, нотўғри маъноларига эга. Буларни фаҳмлаш учун узоқ бормай Имом Бухорий ва Имом Термизий ҳадисларининг баъзиларини муқояса этиш кифоя. Имом Бухорий: “Маймуна онамиз: Расулуллоҳ с.а.в. хумра (кичик бўйра)да намоз ўқир эдилар, – деб айтганлар”<sup>5</sup>. Имом Термизий: “Ибн Аббос р.а. дан ривоят қилинди, айтди: Расулуллоҳ с.а.в. хумра усти(кичик бўйра)да намоз ўқидилар. Бу бобда Умму Ҳабиба, Ибн Умар, Умму Салама, Ойша, Маймуна, Умму Кулсум, бинти Аби Салама, Ибн Абдуласад р.а.дан ҳадис ривоят қилинган. Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Баъзи илм аҳлининг қавли шу. Аҳмад ва Исҳоқ айтади: Пайғамбар с.а.в. жойнамоз устида намоз ўқиганлари собит бўлган”<sup>6</sup>. Юқорида келтирилган мисоллар маълум тасаввур олишга имкон туғдиради, яъни ҳадис илми бобида Исо Термизий жорий этган янгилик, ихтиро, кашфиётнинг сир-асрори нимада эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Эътибор берилса, Имом Бухорий ҳадис ровийси сифатида ягона Маймуна онамиз деган ҳолда, Исо Термизий онамиз Маймунадан ташқари яна олтига ровийнинг дахлдорлигин таъкидламоқда. Булардан

<sup>4</sup> Абдулхамид Муҳаммад Турсун. Ватандошимиз Имом Термизий – буюк муҳаддис // Совет Шарқи мусулмонлари. – 1990. – 3 (87). – Б. 3.

<sup>5</sup> Ал-Бухорий. Ҳадис. 1-китоб. Араб. тарж. З.Исмоил. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991.– Б.119.

<sup>6</sup> Абу Исо Термизий. Сунани Термизий. VI жилдлик. I-жилд. Таржимон М.Кенжабек. –Тошкент: Адолат, 1999. – Б. 356.

хулоса шуки, Имом Бухорий ва Имом Термизий ҳамда бошқа муҳаддисларнинг ҳар бири ўз услубига эга бўлишган, ҳатто Имом Термизий истилоҳлари ҳам ўзгача: бу ҳадис – ғариб; бу ҳадис – ҳасан-саҳиҳ; бу ҳадис – ҳасан; бу ҳадис – ҳасан-ғариб; бу ҳадис – ҳасан-саҳиҳ-ғариб; бу ҳадис – ғариб-ҳасан; бу ҳадис – саҳиҳ.

Ҳадис илмида олти ҳадис китоби тан олинади ва улар “Кутуби ситта” (“Олти китоб”) номи билан машҳурдир. Ана шу китоблар орасида “Сунани Термизий” учинчи ўринда туради, Имом Бухорий ва Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож (819 – 874) китобларидан кейинги мақомга эгалик қилади. Шайхулислам ибн ал-Ансорий (1006 – 1088) бўлса, Имом Термизий китобини ал-Бухорий ва Муслим китобларидан юксак деб билади. “Термизийнинг китоби мен учун имом Бухорий ва имом Муслим китобларидан фойдалироқдир, чунки уларнинг китобларини чуқур илмли одамларгина тушунади, Абу Исонинг китобларидан эса, ҳар бир киши фойдалана олади”. Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг “ал-Жомий ас-Саҳиҳ” китоблари бутун ислом оламига манзуру машҳур бўлди. Шу тариқа имом Бухорий ва имом Муслимга эргашиб ат-Термизий, Абу Довуд (817 – 888), ан-Насоий (830 – 915), ибн Можжа (834 – 886) сингари етук алломаларнинг “ас-Саҳиҳ” ёки “ас-Сунан” китоблари олам юзини кўрди ва мусулмон дунёсида беқиёс шухрат тутди. “Кутуби ситта” олти саҳиҳ ҳадис асарининг тўрттасини “Сунан” китоблари ташкил этади ва улар “Сунани арабаъ” (“Тўрт сунан”) деб аталади, “Сунан арабаъ”ларнинг муаллифлари ат-Термизий, ан-Насоий, Абу Довуд ва ибн Можжалардир, ал-Бухорий ва имом Муслим бундан мустаснодир. Шу тўрт китоб ичида, тўғрироғи “Сунан”лар орасида ат-Термизийнинг “Сунани Термизий” китоби ҳадисшунослар томонидан рўйхатнинг бошига қўйилади.

Имом Термизий қатор асарлар муаллифидир, қўйидаги асарлар унинг қаламига мансуб: “Аш-шамоил ан-Набавия” (“Пайғамбар фазилатлари”), “Китоб ал-илал” (“Нуқсонлар китоби”), “Китоб ат-тарих” (“Тарих китоби”), “Китоб аз-зуҳд” (“Тақво китоби”), “Асмо ас-саҳоба” (“Пайғамбар суҳбатдошларининг исмлари”), “Китоб ал-асмо ва-л-куна”, (“Ровийларнинг

исми ва лақаби”), “Ал-илал фил-ҳадис” (“Ҳадислардаги нуқсонлар”), “Рисола ва-л- хилоф ва-л- жадал” (“Ҳадислар зикрида ихтилофлар ва баҳслар”). Юқоридаги асарлардан “Аш-шамоил ан-Набавия” ёки “Аш-шамоил ал-Муҳаммадия” (“Муҳаммад фазилатлари ва сийратлари”), “Китоб ал-илал” ёки “Ал-илал ал-кабир” (“Кичик ва катта нуқсонлар”), “Асмо ас-саҳоба” (“Саҳобаларнинг исмлари”) ёки бошқа бир номи “Тасмияту асҳоб Расулуллоҳ” (“Расулуллоҳ суҳбатдошларининг исмлари”) шаклларида турлича номланишлари кузатилади, шунингдек, “Китоб ал-Ҳол” (“Ички аҳвол китоби”) асари ҳам Имом Термизий ижод бисотига тааллуқли. Бундан ташқари “Ал-илал сағир ва ал-илал ал-кабир” (“Кичик ва катта оғишлар”) аслида иккита мустақил асардан иборат бўлиб, “Ал-илал ас-сағир” “ал-Жомиъ”нинг хотимаси, “Ал-илал ал кабир” асари эса гоҳо “Муфрад” (“Ягона”) номи билан ҳам юритилади. “Аш-шамоил ан-Набавия” ёки “Аш-шамоил ал-Муҳаммадия” асарида Пайғамбаримиз с.а.в.нинг ҳаётларига оид маълумотлар билан бирга, у кишининг сийратлари, сувратлари, фазилатлари ва инчунин одатлари ҳақида 408 та ҳадис жамланган. Бу асар мусулмон оламида анча машҳур бўлиб, эл орасида катта ардоққа сазоворлиги боис, ҳатто ўз даврининг айрим шоирлари асарни назмга солишга ҳам интиланган. Шундай шоирлардан бири Ҳофиз Муҳаммад Ҳусайн Ҳаравий, яъни Ҳиравий – Ҳирий (1484 – 1573) айни Имом Абу Исо ат-Термизийнинг “Аш-шамоил ан-Набавия” асарини назмга солиб, уни “Назми шамоил” деб номлаган экан. Мирзо Кенжабек “Термиз тазкира”сида қатор ишончли манбаларга ҳавола қилган ҳолда Термизий асарларининг руйхатини ушбу хилда келтиради:

1. “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”, яъни “Сунани Термизий”)
2. “Аш-Шамоил” (“Шамоили Муҳаммадия”).
3. “Ал-Ҳол”
4. “Ат-Тарих”
5. “Аз-Зухд”
6. “Ал-Асмоъ ва ал-куно” (“Исмлар ва кунялар”)

Абу Исо ат-Термизий ўз ҳаётини, ўз ижодини, ўз умрини, бутун борлиғини, қолаверса, бутун борлигини ислом дини ривожига, ислом маданияти ва маънавиятининг шаклланишига бахшида этди. Имом Термизий таълиф этган диний-илмий мерос беқиёс бисот сифатида ҳар бир мусулмон бандаси учун зарурий сарчашмадир. Унинг диний меросининг аҳамияти чексиз, бу мерос бутун мусулмон оламида, ислом дунёсида кўз қорачиғидек авайлаб-асраб келинади.

Ислом илмларининг тараққий этишида Туркистон шаҳарлари ичида Термиз кенти ҳам катта аҳамият касб этган. Самарқанд ва Бухорони Балх каби қадимий илм маркази билан боғловчи шаҳар Термиз эди. Шунинг учун ҳам бу ерда кўплаб алломалар етишиб чиққан. Шулардан бири - Абу Исо Имом Термизийдир. Манбаларда айтилишича у 300 дан ортиқ асар битган. Шулардан 57 таси бизнинг замонамизгача етиб келган.

Тўлиқ номи Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Сулламий Буғий Термизий. Сулламий деб нисбат берилишига сабаб боболаридан бири суллам деган араб қабиласига дўст тутинган. Буғий дейилишига сабаб ўша вақтдаги Буғ номли қишлоқда вафот этиб, шу ерга дафн қилинган. Умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолгани учун ал-Дарир тахаллуси билан ҳам аталган.

Ат-Термизий милодий 824 йилда Термизда (Буғ қишлоғи, ҳозирги Шеробод тумани), унча бадавлат бўлмаган оилада таваллуд топди. Унинг ёшлик йиллари Термиз шаҳрида ўтиб, дастлабки маълумотни ҳам шу шаҳарда олган. Ат-Термизий ёшлигидан турли илмларни эгаллашга зўр қизиқиш билан интилган. Болалигидан ўта зийраклиги, ёдлаш қобилиятининг кучлилиги, ноёб қобилияти билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган ат-Термизий диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан эгаллаб, бу борадаги ўз билимларини муттасил ошириш учун кўпгина Шарқ мамлакатларини зиёрат қилган.

Узоқ йиллар Ироқ, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшаган. Узоқ давом этган сафарлари чоғида қироат илми, баён, фикҳ, тарих, айниқса, ўзи

ёшликдан кизикқан ҳадис илми бўйича ўша даврнинг йирик олимларидан таълим олади. Машҳур муҳаддислардан Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғайлон ва бошқалар унинг устозлари эди.

Термизий Имом Бухорий билан учрашганида (бу учрашув Нишопурда бўлган ва икки аллома беш йил биргаликда яшашган) ҳадиснинг матнинигина эмас, унинг ҳикмати ва фалсафасини тушуниб етганини эътироф этади. Ўз вақтида Имом Бухорий шогирдини мактаб, камтаринлик билан: "Сен мендан баҳра топганингдан кўра мен сендан кўпроқ баҳра топдим", деган. Бу Термизийга берилган жуда катта баҳо эди.

Термизий йўлда, сафарда бўлганда ҳам, ёки бир жойда муқим турганда ҳам устозларидан, учратган ровийлардан эшитган ҳадисларни ёзиб олар, уларни тартибли равишда алоҳида-алоҳида қайд қилиб борарди. 868 йилда хориж сафаридан ўз юртига қайтган Термизий илмий-ижодий иш, шогирдлар тайёрлаш билан машғул бўлди ва йирик муҳаддис, имом сифатида шуҳрат қозонди. Тақводорлик, ислом дини ва ўз обрўсига гард юқтирмасликка интилиш, дунё мол-матоси ва бойликка бепарво қараш, охиратнинг ғамини ейиш Термизийнинг ҳаёти тарзи эди. Ўз даврининг етук муҳаддис олими сифатида танилган ат-Термизий кўпдан-кўп шогирдларга устозлик қилган. Ҳадис илмидаги унинг шогирдларидан Макхул ибн ал-Фадл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Ҳамод ибн Шокир, Абд ибн Муҳаммад Насафий, Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Аҳмад ибн Юсуф Насафийларни кўрсатиш мумкин.

Ат-Термизий қаламига мансуб асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган. "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" ("Ишонарли тўплам"), "аш-Шамоил ан-набавия" ёки "аш-Шамоил ан-набий саллолоху алайҳи ва саллам" ("Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари"), "ал-Илал фил-ҳадис" ("Ҳадислардаги иллатлар"), "Рисола фил-хилоф вал-жадал" ("Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола"), "ат -Таърих" ("Тарих"), "Китоб уз-зуҳд" ("Зоҳидлик китоби"), "Китоб ул-асмо вал-куно" ("Исмлар ва

кунялар китоби") каби асарлар шулар жумласига киради. Термизийнинг асарлари ичида энг машҳури, шубҳасиз, "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" бўлиб, 6 та ишончли ҳадислар тўпламидан биридир. Ушбу асар илмий манбаларда "Жомиъ ат-Термизий", "Саҳиҳи Термизий", "Сунани Термизий" номи билан ҳам аталади. Термизийнинг муҳим асарларидан яна бири "аш-Шамоил ан-набавия" Муҳаммад (ас)нинг шахсий ҳаёти, у зотнинг суврат ва сийрати, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига камраган манбадир<sup>7</sup>. Бу китоб азалдан исломшунос олимлар, тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортиб келади. Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ҳам ёзилган. Унинг тили равон, услуби ниҳоятда оддий. Асар форс ва турк тилларига таржима қилинган. "аш-Шамоил ан-набавия"нинг 1-қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар пайғамбарнинг суврат (ташқи қиёфаси)ига, 2-қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар эса ички дунёси-ю, ахлоқий фазилатларини баён қилишга бағишланган. Китобнинг 16 асрга оид бир қўлёзмаси Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади. "Аш-Шамоил ан-набавия" ўзбек тилига ўгирилиб, сўнгги йилларда Тошкентда бир неча бор нашр этилди. 1990 йилда Термизий таваллудининг 1200 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Мустақиллик йилларида Термизийнинг ёдгорлик мажмуаси қайтадан таъмирланиб, қутлуғ зиёратгоҳга айлантирилди.

Ат-Термизий ўз юртида йирик муҳаддис олим сифатида шуҳрат қозонди ва ижодий иш, шогирдлар тайёрлаш билан машғул бўлди. У ҳижрий 279 (мелодий 892) йилда Термиздан узоқ бўлмаган Буғ қишлоғида вафот этади ва шу ерда дафн қилинади.

Буюк ватандошимиз Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий бизга бой ва катта илмий мерос қолдирди. У Хуросон ва Мовароуннаҳрда илк тасаввуф таълимотчиси, ҳуқуқшунослик, табиатшунослик, табобат, илму нуҷум,

---

<sup>7</sup> 100 Марказий Осиё мутафаккирлари. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялари ивожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси. Тошкент ислом университети. «YANGI NASHR», 2011

тилшунослик, ахлоқ ва бошқа кўплаб комусий илм соҳаларида асарлар яратган алломадир.

Имом Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок ас-Сулмий аз-Заририй ал-Буғий ат-Термизий ҳозирги Термиз шаҳридан олти фарсах узоқликда жойлашган Буғ қишлоғида 209 ҳижрий санада таваллуд топдилар. Куниязлари Абу Исо, исмлари Муҳаммад, оталарининг исмлари Исо, боболарининг исмлари Савра, нисбатлари Жайхун дарёси билан ўралган кадимги Мовароуннаҳрнинг Термиз шаҳри номи биландир.

У зотнинг устозлари кўп бўлиб, улардан энг машхури Имом Бухорийдир. Кўп ҳадисларни Бухорийдан ривоят қилганлар. Яна устозларидан Имом Муслим ва Абу Довуд ҳамда Басра, Куфа, Хуросон, Ҳижоз шайхлари бўлиб, уларнинг раъйи ва воситаси орқали ҳам фойдаланганлар. Имом Термизий китоби «Саҳиҳ» деб тан олинган олти нафар имом ичида тўртинчи ўринда турадилар.

У зотнинг китоблари бўлмиш «Сунани Термизий» эса «Саҳиҳ Бухорий» ва «Саҳиҳ Муслим» китобларидан кейинги ўринларда туради. У зот ҳадисни жамлашликда ва уни аниқлашда, ёдлашда ва зикр қилишда алоҳида бир мақомга эга эдилар. У кишининг шогирдларидан бўлган Абу Саъд Идрийсий устозларини сифатлаб, ёдлашлари, зеҳнлари тўғрисида зарбулмасаллар битилганини айтадилар.

Шогирдларидан яна бирлари: «Имом Бухорий вафотларидан кейин Хуросонда Абу Исо ат-Термизийдек илмда, зеҳнда, тақвода, зоҳидликда бирор киши топилмас эди», деб айтади.

Имом Термизий кўп йиғлаганларидан ҳаётларининг охирги икки йилида кўзлари ожиз бўлиб қолган.

Ибн Атийя: «Менинг ҳузуримда Имом Бухорий ва Муслимнинг китобларига қараганда Имом Термизийнинг китоблари нурлироқ ва тушунарлироқ», деб айтадилар. «Нима учун?» деб сўралганида, Атийя: «Чунки иккита Имомнинг китобларидан фақатгина илм ва маърифат аҳлларигина фойдалана олишади, холос», деб айтган эканлар.



Шайхлардан бири Имом Термизийга 40 та ғариб ҳадисни айтиб, имтиҳон қилишлик учун сўраганида, бирорта ҳарфда ҳам хато қилмасдан аввалидан охиригача ўқиб берганларини кўриб, сенинг мислингдаги кишини кўрмаганман, деб айтдилар.

Имом Термизий кўп китобларнинг муаллифидир. Айниқса, «Сунан» китоблари чиройли, фойдаси кўп бўлиб, такрор сўзлари оз, чиройли тартибда ёзилган. Ундаги ҳадислар саҳиҳ, ҳасан, заиф каби турларга бўлинган ҳолда келтирилиши ҳадис илмида ўзига хос янги йўналиш бўлди. Абу Али Мансур ибн Абдуллоҳ Холидий Имом Термизийнинг «Жомиъ ас-Саҳиҳ» китобларини сифатлаб: «Кимнинг уйида мана шу китоб бўлса, гўёки уйида Пайғамбаримиз гапираётгандек бўладилар»,<sup>8</sup> деб айтадилар. У зотдан бизга қуйидаги китоблар мерос бўлиб қолди:

«Китобу азим» («Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ»), бу китоб «Саҳиҳ ат-Термизий» номи билан машҳурдир, «Шамоилу Набавия», «Илалу муфрад», «Илалу фий охири жомиъ», «Китобу зуҳд», «Китобу тарих», «Асмоу саҳоба», «Асмо вал куна», «Китобу фий асари мавқуфа».

Имом Термизийнинг «Саҳиҳ» китобларига кўплаб шарҳ ва мухтасарлар ёзилган.

Устозлари бўлмиш Имом Бухорий Термизийга қарата: «Сен мендан фойдаланганингдан кўра, мен сендан кўпроқ фойдаландим», деб айтган эканлар.

Имом Термизий қуйида исмлари келадиган шайхлардан ҳадислар эшитиб, улардан ривоят қилдилар: Абдуллоҳ ибн Муовия Жумаҳий (243 ҳижрий санада вафот этганлар), Али ибн Ҳожар Марвазий (244 ҳижрий санада вафот этганлар), Сувайд ибн Наср ибн Сувайд Марвазий (240 ҳижрий санада вафот этганлар), Қутайба ибн Саъид Сақафий Абу Рожо (150 ҳижрий санада туғилиб, 240 санада вафот этганлар), Абу Мусъаб Аҳмад ибн Абу Бакр Зухрий ал-Маданий (150 ҳижрий санада туғилиб, 242 санада вафот

---

<sup>8</sup> 100 Марказий Осиё мутафаккирлари. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялари ивожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси. Тошкент ислом университети. «YANGI NASHR», 2011

этганлар), Муҳаммад ибн Абдулмалик Абу Шавориб (244 хижрий санада вафот этганлар), Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Ҳотам ал-Ҳиравий (178 хижрий санада туғилиб, 244 хижрий санада вафот этганлар), Исмоил ибн Мусо Фазорий ас-Саддий (245 хижрий санада вафот этдилар).

Имом Термизий хижрий 279 йили вафот этган, қабри ҳозирги Сурхандарё вилоятининг Шеробод туманидадир.

## **1.2. Абу Исо Муҳаммад Термизий маънавий меросини ўрганишга бўлган эътибор**

2017 йилнинг 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорнинг асосий мақсади – Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний кадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтиришдан иборат.

Мазкур қарорга кўра, Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилади. Имом Термизий халқаро марказининг асосий вазифалари эътиб қуйидагилар белгиланган:

Ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини, Имом Термизий ҳамда термизий алломалар, юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир зотлар меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш;

Юксак инсоний ғоялар ва муқаддас кадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш мақсадида зарур дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, оммабоп нашрлар, илмий-амалий тавсиялар тайёрлаш юзасидан доимий иш олиб бориш;

Турли мафкуравий хуружлар авж олаётган бугунги кунда аждодларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, улардаги эзгу ғоя ва таълимотларни кенг халқ оммасига етказиш ва шу асосда ёшларда соғлом дунёқарашни кучайтириш, уларни азалий кадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш;

Имом Термизий ва термизий алломаларнинг бой меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида хорижий илмий марказлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро конференция, симпозиум, кўрғазма, илмий маърузалар, семинар-тренинглари, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш;

Мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва қўлёзма фондларида сақланаётган термизий алломалар ҳамда буюк мутафаккирларимизнинг қўлёзма ва тошбосма асарлари нусхаларини, улар ҳақидаги китобларни тўплаш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

Маънавий меросимизни ўрганишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишга доир тегишли илмий ишланма ва тавсияларни тайёрлаш.

Ана шундай улкан мақсадларни ўз олдимизга устувор вазифа сифатида қўйиб олдик. Бундай буюк ишларимизга сабаб бўлган Имом Термизий раҳматуллоҳи алайҳ ҳақларида нимларни биламиз?

Имом Термизийнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок Абу Исо ас-Суллабий аз-Зарир ал-Буғий ат-Термизий бўлиб, 209 (м. 824) йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида жойлашган) қишлоғида ўртаҳол бир оилада таваллуд топган. Марказий Осиёлик машҳур тарихчи Абу Саид

Абдулкарим ас-Самъоний (1113-1167) Имом Термизий Буғ қишлоғида вафот этганлиги учун ал-Буғий нисбати билан ҳам аталгани, олимнинг кўп йиғлаганидан умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганлигидан аз-Зарир (кўзи ожиз) тахаллусини олганини ҳам қайд қилади.

Лекин халқ орасида ат-Термизий номи билан машхур бўлишига сабаб унинг бутун ҳаёти ва фаолияти (ёшлигидан бошлаб) Термиз шаҳри билан чамбарчас боғлиқ бўлганидан, шунингдек, аллома туғилган Буғ қишлоғи Термиз шаҳрига яқин, маъмурий-идоравий жихатдан унга мансуб қишлоқлардан эканидан, деб изоҳлаш мумкинлигини айтади.

Имом Термизийнинг оиласи ва ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган, фақат тарихчилар унинг: “Бобом асли марвлик эди, у киши Лайс ибн Сайёр замонида яшаган, сўнг у ердан Термизга кўчиб келган”, – деган фикрини келтириш билан чекланадилар. Шунингдек, Имом Термизийнинг кўзи ожизлиги хусусида ҳам ёзма манбаларда турли-туман маълумотлар келтирилган<sup>9</sup>. Баъзи муаллифлар у зотни туғма кўзи ожиз бўлган деса, кўпчилик муаллифлар олимнинг кейинчалик – умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганини ёзадилар.

Имом Термизий ёшлигидан ғоятда тиришқоқ, идрокли ва заковатли бўлиб, бу фазилатлари билан ўз тенгдошларидан батамом ажралиб турган. Унинг ёшлик чоғларидан илмга ўта қизиқиш ва иштиёқи ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллашида тўлиқ намоён бўлди. У ёшлик пайтларидан бошлаб Термиз, Самарқанд, Марв ва Марказий Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида истиқомат қилган машхур уламолар ва муҳаддислар асарларини кунт билан ўргана бошлади, кейинчалик кўшни Балх ва Ҳайратон шаҳарларидаги илм аҳллари билан алоқалар ўрнатди.

Имом Термизий 850 йилдан, яъни йигирма олти ёшидан бошлаб, узок юртларга, қатор хорижий мамлакатлар ва шаҳарларга сафар қилади. Жумладан, у Ҳижоз – Макка ва Мадина, Ироқ, Хуросоннинг қатор шаҳарларида кўплаб муҳаддислар, уламолар билан мулоқотда бўлиб, улардан

---

<sup>9</sup> Kun.uz

таълим олади, қизгин илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этади. Тарихчи Шамсуддин аз-Захабийнинг таъкидлашича, Имом Термизий Миср ва Шомга шахсан сафар қилмаган, шу боисдан ҳам бу мамлакатлар уламоларидан билвосита ҳадислар ривоят қилган.

Узоқ йиллар давомидаги сафарлари чоғида Имом Термизий нафақат ҳадис илмидан, балки илмул қироат, илмул баён, фикх, тарих ва илм-фаннинг бошқа соҳаларида ҳам кўплаб устозлардан сабоқ олиб, ўз билимини оширади. Буларнинг ҳаммаси Имом Термизийнинг йирик олим даражасига етишига мустаҳкам замин тайёрлайди.

Шу билан бирга, Имом Термизий ўзи ёшлиқдан қизикқан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини тўплашга алоҳида эътибор билан қарайди, бу борада ҳар қандай кийинчиликларга бардош беради. У ўзи ўқиган ёки бирорта ровийдан эшитган ҳадисни алоҳида қоғозларга қайд қилиб, уларнинг асли ва иснодини изчиллик билан аниқлагач ва қайта-қайта текшириб, тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, уларни алоҳида-алоҳида махсус қоғозларга қайд қилиб борган. Турли ровийлардан эшитган ҳадисларининг тўғрилигига шубҳа ва иккиланиш бўлганда уларни ҳам ажратиб, алоҳида, тартиб билан ёзиб борган.

Шу тариқа ҳадисларнинг тўғрилиги, исноди тадқиқ қилинганлиги ёки шубҳалилари турли табақаларга бўлиниб, улар саҳиҳ (тўғри, ишончли), ҳасан (яхши, маъқул), заиф (бўш, ишончсиз), ғариб каби хилларга ажратилган. Имом Термизий ўз асарларида келтирилган ҳадисларни ушбу табақалар асосида кўрсатиб ўтган.

Ҳадис илмини эгаллашда ва такомиллаштиришда Имом Термизий ўз даврининг кўпгина машҳур муҳаддислари, жумладан, Имом Бухорий, Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Довуд, Қутайба ибн Саид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғийлон, Саид ибн Абдурраҳмон, Муҳаммад ибн Башшор, Али ибн Ҳажар ал-Марвазий, Аҳмад ибн Муниъ, Муҳаммад ибн ал-Мусанно, Суфён ибн Вакиълардан таҳсил олган. У ўз даврининг етук муҳаддиси сифатида кўпгина шогирдларга устозлик ҳам қилган. Унинг шогирдларидан

Макхул ибн ал-Фазл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Абу ибн Муҳаммад ан-Насафий, Ҳаммоод ибн Шокир, Хайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Аҳмад ибн Юсуф ан-Насафий, Абул Аббос Муҳаммад ибн Маҳбуб ал-Маҳбубий каби етук олимларни кўрсатиш мумкин.

Юқорида баён этганимиздек, Имом Термизийнинг устозлари ва шогирдлари орасида турли мамлакат ва элатларнинг вакиллари борлиги сезилиб турибди. Шу нуқтаи назардан қаралганда, узоқ ўтмишда ҳам илм-фаннинг тараққиёт ва маърифат уруғларини тарқатиш борасида турли ўлкаларнинг вакиллари яқдил бўлиб фаолият кўрсатиб, самарали ҳамкорлик қилганлари, умумбашарий кадриятлар равнақи йўлида ҳақиқий ҳамжихатлик руҳи мавжуд бўлгани ҳозирги давримиз учун ҳам ибратли бир ҳолдир.

Имом Термизий зеҳнининг ўткирлиги, хотираси ҳамда ёд олиш қобилиятининг кучлилиги хусусида тарихий манбаларда кўплаб мисоллар, ривоятлар келтирилади. Жумладан, араб тарихчиси Шамсуддин аз-Заҳабийнинг (1274-1347) “Тазкиратул ҳуффоъ” (Ҳофизлар ҳақида тазкира) номли асарида қуйидаги ҳикоя бор: Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий Маккага ҳажга бораётганида йўлда кўп машҳур муҳаддислар билан учрашиб, мулоқотда бўлиб, олимларнинг биридан ҳадислардан сабоқ беришини илтимос қилган. У олим: “Бўлмаса, қоғоз-қалам ол”, – деган. Аксига олиб, шу пайт Имом Термизий қалам топа олмаган ва олим рўпарасида ўтириб, эшитган ҳадисларини гўё ёзиб олаётгандек, кўлини қоғоз устида ҳаракат қилдираверган. Олим эса турли мавзуларга оид ҳадислар келтириб, уларнинг етмишга яқинини ҳикоя қилган.

Шу орада у қоғозга караб, унда ҳеч қандай ёзув кўрмаган ва Имом Термизийнинг бу ишидан жаҳли чиқиб: “Нима, сен ҳали менинг вақтимни бекорга олмоқчимсан?!” – деб қаттиқ ранжиган. Имом Термизий бўлса бамайлихотир: “Сиз айтган ҳадисларни ёддан айтиб берайми?” – деган-у, ҳозиргина олимдан эшитган ҳадисларнинг ҳаммасини бирин-кетин айнан такрорлаб айтиб берган. Имом Термизий хотирасининг бу қадар кучлилигидан олим ҳайратга тушиб, қойил қолган.

Имом Термизийнинг хорижий мамлакатларга қилган сафари узок йилларга чўзилиб, аввал эслатиб ўтганимиздек, бу сафарлар чоғида кўпдан-кўп олимлар, муҳаддислар билан мулоқотда бўлди. Шу билан бирга, ҳадисларни тўплаб, китоблар таълиф қилишга ҳам киришди.

Айниқса, машҳур муҳаддис Имом Бухорий билан Нишопурда бирга фаолият кўрсатиб, кўплаб илмий баҳсларда иштирок этади, бу ҳақда Имом Термизий ўзининг “Ал-Илал” китобида ёзади. У ўз юртига 863 йиллар атрофида қайтади ва маҳаллий олимлар билан илмий мунозараларда қатнашади, кўплаб шогирдларга устозлик қилади. Имом Термизийнинг кўп асарлари, жумладан, машҳур асари “Ал-Жомий” ҳам ўз ватанига қайтганидан кейин ёзилган. Имом Термизий 892 йилда Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида вафот этган ва шу жойга дафн қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

### ҚАРОРИ

#### ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ

#### ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Имом Термизий халқаро марказининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланиши эътиборга олинсин:

ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини, Имом Термизий ҳамда термизий алломалар, юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир зотлар меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш;

юксак инсоний ғоялар ва муқаддас кадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш мақсадида зарур дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, оммабоп нашрлар, илмий-амалий тавсиялар тайёрлаш юзасидан доимий иш олиб бориш;

турли мафкуравий хуружлар авж олаётган бугунги кунда аждоқларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, улардаги эзгу ғоя ва таълимотларни кенг халқ оммасига етказиш ва шу асосда ёшларда соғлом дунёқарашни кучайтириш, уларни азалий кадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш;

Имом Термизий ва термизий алломаларнинг бой меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида хорижий илмий марказлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро конференция, симпозиум, кўргазма, илмий маърузалар, семинар-тренинглари, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш;

мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва қўлёзма фондларида сақланаётган термизий алломалар ҳамда буюк мутафаккирларимизнинг қўлёзма ва тошбосма асарлари нусхаларини, улар ҳақидаги китобларни тўплаш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

маънавий меросимизни ўрганишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишга доир тегишли илмий ишланма ва тавсияларни тайёрлаш.

3. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан



биргаликда бир ой муддатда Марказнинг тузилмаси ва Низомини тасдиқлаш, унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш тавсия этилсин.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, «Давархитектқурилиш» кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Марказ биноси ва унинг кутубхонасини қуриш, зарур моддий-техник база ва инфратузилмаларни барпо этиш ҳамда ривожлантириш лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Марказ фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом Термизий ёдгорлик мажмуаси, ҳомийлик хайриялари ҳамда хорижий мамлакатлар ва халқаро диний-илмий марказларнинг маблағ ва грантлари ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин.

5. Маҳаллий ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг қурилиш ва ободонлаштириш ишларига йўналтириладиган маблағлари учун Марказнинг ҳисоб рақами очиқ экани қайд этилсин.

Марказни ташкил этиш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳомийлик хайриялари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан озод қилинсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М. Султонов зиммаларига юклансин.

 *LexUZ шарҳи*

*Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 15 февралдаги 33 (6727)-сонида эълон қилинган.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2017 йил 14 февраль,

2017 йилнинг 14 февраль куни Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2774-сонли Қарори эълон қилинди. Албатта, бу қувончли воқеа ҳар бир илму маърифат ихлосмандлари учун чин маънода қувонарли ҳол бўлди. Қолаверса, улуғ алломага бўлган ҳурмат, унинг шахсига бўлган фахримизнинг ёрқин ифодасидир.

Мазкур Қарорнинг асосий мақсад ва вазифаларидан бири – Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтиришдир.

Чиндан ҳам, буларнинг барчаси ўсиб келаётган келажак авлод учун аждоқлар меросини ўрганиш, тадқиқ этиш, халқимиз ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш учун улкан имконият.

Буюк муҳаддис ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало, унинг ҳаёти ҳақида маълумотга оз бўлсада эга бўлишимиз даркор. Алломанинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳоқ Абу Исо Суллабий Зарийр Буғий Термизий бўлиб, у хижрий 209 (мелодий 824) йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида жойлашган) қишлоғида ўрта ҳол оилада таваллуд топган. Имом Термизийнинг оиласи, ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган. Термизийнинг кўзи ожизлиги тўғрисида тарих китобларида турли маълумотлар келтирилган. Баъзи тарихчилар уни туғма кўзи ожиз

бўлган десалар, баъзилари олим умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганини ёзадилар.

Имом Термизий ёшлигидан ўта тиришқоқ, идрокли, ақл- заковатли бўлганлиги боис ўз тенгдошлари ичида ажралиб турган. Илмга ўта қизиқиши туфайли ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллаган. Термиз, Самарқанд, Марв ва Марказий Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламо ва муҳаддислар асарларини кунт билан ўрганган. Қўшни Балх ва Ҳайратон шаҳарларидаги илм аҳллари билан илмий алоқалар ўрнатилишига муносиб ҳисса қўшган етук олимлардан биридир. Ёшлигидан илму-фанга ташна Имом Термизий 850 йилдан, яъни йигирма олти ёшидан бошлаб узоқ юртларга, қатор хорижий мамлакатлар ва шаҳарларга сафарлар қилади. Жумладан, у Ҳижозда — Макка ва Мадина, Ироқ, Хуросоннинг қатор шаҳарларида кўплаб муҳаддис, фақиҳ, ва уламолар билан учрашиб, мулоқотда бўлиб, улардан таълим олади, қизгин илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этади.

Шу билан бир қаторда Исо Термизий пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини тўплашга алоҳида эътибор билан қарайди. Бу борада у ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. У ўзи ўқиган ёки бирор ровийдан эшитган ҳадисини алоҳида қоғозларга қайд этиб борар, уларнинг асли ва иснодини изчиллик билан аниқлаб тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилсагина махсус қоғозларга қайд этарди. Ҳадисларнинг тўғрилигига шубҳа бўлганда уларни алоҳида ажратиб ёзарди. Шу тариқа ҳадислар саҳийх (тўғри, ишончли), ҳасан (яхши, маъқул), заиф (бўш, ишончсиз), ғарийб (ғалати) каби турларга ажратилган.

Ҳадис илмини эгаллашда ва такомиллаштиришда Имом Термизий ўз даврининг машҳур муҳаддисларидан таҳсил олди. Ў ўша даврнинг етук муҳаддиси сифатида кўпгина шогирдларга устозлик ҳам қилган. Аллома зеҳнининг ўткирлиги ҳамда қувваи-ҳофизаси кучлилиги хусусида тарихий манбаларда кўплаб мисол ва ривоятлар келтирилади.

Муҳаддис бобокалонимиз Имом Исо Термизий замонидаги олимлар унинг ҳадис илмидаги хизматларини юқори баҳолаган. Улардан бири Имом Термизийни “Ҳадис илмида иқтидо қилинадиган ягона олим” деб ёзса, бошқа бири эса уни “Биринчилардан бўлиб ҳадисларни саҳиҳ, ҳасан, заифга тақсим қилганига гувоҳлик беради”. Айниқса, муҳаддис олимнинг асарларидаги раволик фақат зиёли кишилар учун эмас, балки ҳар бир инсон тушуниши мумкин бўлишига сабаб эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Дунё уламолари буюк илм соҳиби бўлган ҳамда юксак эътирофга муносиб кўрилган бобокалонимизнинг ибратли ҳаёт йўллари ва бой маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш биз ёшлар учун ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, шундай етук муҳаддисларнинг авлоди бўлиш ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулиятни юклар экан, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, айниқса ёшларимиз уларга муносиб авлод, илм-маърифат нуруни таратгувчи маёқ бўлишлари ҳам қарз, ҳам фарздир.

## **2.Боб. Абу Исо Муҳаммад Имом Термизийнинг маънавий мероси**

### **2.1.Суннани Термизий ҳадислар тўпламида инсонийлик фазилатлари**

Қутлуғ Ўзбекистонимизнинг истиқлолга эришуви натижасида она халқимиз ўзнинг бой маънавий мероси хазинасидан эркин баҳраманд бўла бошлади. Жумладан, Имом Ал-Бухорий, Имом Термизий каби улуғ ватандошларимиз тўплаган ҳадисларни ўз она тилимизда ўқишга муваффақ бўлдик.

Ҳадислар дунёси фикқ бобида, инсои ҳақ-ҳуқуқлари мавзуида жуда муҳим манба бўлиб, асосан, ахлоқий, маданий, маънавий-маърифий негизни ташкил этади. Ундан турли соҳа олимлари: ҳуқуқшунос ва жамиятшунос олимлар, табобат олимлари, биолог, химик ёки адабиётшунос олимлар, шубҳасиз, ўз соҳаларига доир янги қирраларни кашф этадилар.

Улуғ ватандошимиз — Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизийнинг кўлингиздага «Сунани Термизий» китоби «Ал-жомий ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам»), «Ал- жомий ул-кабир» («Катта тўплам») ёки («Саҳиҳи Термизий») номлари билан ҳам машҳур. Аммо ҳазрати Имом Ат-Термизий ҳадис илмида «сунан» йўналишига асос солган муҳаддислардан бўлгани учун бу китоб, асосан, «Сунани Термизий» номи билан шуҳрат қозонган.

Фикқ илми, яъни ислом ҳуқуқшунослиги энг шарафли илмлардандир. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Мингга жоҳил обиддан кўра битта фақиҳ яхшироқ», деб марҳамат қилганлар. Чунки инсон фақиҳ бўлса, уни ҳеч нарса чалғита олмайди, у ҳар қандай оқим ва гуруҳларга ўзини урмайди. Аксинча, ўз эътиқодида собитқадам бўлади. Фикқнинг энг улуғи эса соғлом эътиқоддир. Бинобарин, Ҳанафий мазҳабининг асосчиси ҳазрати Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) эътиқод илмини «фиқҳи акбар» деб, яъни «улуғ фикқ» деб таърифлаганлар<sup>10</sup>.

Маълумдирки, Ер юзи мусулмонларининг аео- сий кўпмилиги ҳазрати Имоми Аъзам мазҳабларига риоя қиладилар. «Сунани Термизий» китобида

<sup>10</sup> Сунани Термизий. 1-жилд.Т."Адолат".1999.686-бет

эса худди ана шу мазҳаб жиҳатлари эътиборга олинган. Ҳанафий мазҳабининг фикр-қарашларини Имом Ат- Термизий «Куфа аҳлияшнг фикр-қарашлари тарзида баён қилганлар. Шунингдек, китобнинг ушбу ўзбекча нусхасида Ҳанафий мазҳабига доир фатволар, илова ва изохлар тақдим эгилганки, булар ўқувчи тўғри амал қилмоғи учун фойдалидир.

Албатта, ҳадис соҳасининг ўз атамалари, илмий истилоҳлари бор. Ана шундай ифода ва истилоҳларни тушунмоқлари учун, китобхонларга кўмак тариқасида, «Китобхонга ёрдам» сарлавҳаси билан алоҳида сўз тақдим этилди.

Китобда ҳадисларнинг ўзбекча таржимаси асл арабий матни билан бирга саҳифаларга жойлаштирилди. Бу усул тил билган китобхонларга сўзма-сўз таққослаб ўрганишлари учун қулайлик туғдиради.

Ўзбек диёридаги тинчлик, осойишталик шарофати билан, юртбошимиз И.А.Каримов раҳбарлигида маънавият ва маърифат соҳасида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Қўлингиздаги «Сунани Термизий» китоби таржимаси ана шундай хайрли ишлардан бири бўлиб, маънавий-ахлоқий камолот йўлида, комил инсонни тарбиялаш йўлида муносиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Она Ватан номини жаҳонга машҳур қиладиган зотлар улуг мутафаккирлар, атоқли алломалар, етук шахслардир.

Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларни таржима қилиб, халққа етказишдан бошланган кутлуғ маънавий фаолият Имом ат-Термизий жамлаган ҳадисларни асл ворисларига тақдим этиш билан давом этмоқда. Бу Ўзбекистон истиқлолининг энг эзгу самарасидир, табиий ва мантиқий жараён дир. Имом ал Бухорийнинг замондоши ва етук шогирди бўлмиш Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг «Сунани Термизий» номи билан машҳур бўлган ҳадислар тўплами бутун дунёдаги «Қутуби ситта», яъни энг машҳур олти ҳадис китобидан бири эканлигидан фахрланамиз Дарҳақиқат, бу асар ёш авлод тарбиясида алоҳида эътиборга молик дир.

Ўзбекистон Президента И.А.Каримов маънавий меросга, аждодларимиз

номига, жумладан, Абу Исо Мухаммад Ат-Термизийга ҳам алоҳида эҳтиром кўрсатиб, бундай дейдилар; «Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, аввало, Оллоҳ ва унинг Расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуғ алломаларимиз, улуғ имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун Ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга олдиған Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий. Абдулҳолиқ Ғувдувоний.. Замахшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улуғ номлар билан боғлаймиз. Ким бу ҳақиқатни инкор эта олади?...» (Иқтибос И.А. Каримов нинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» китобидан олинди) Юртбошининг бу сўзлари бизлар учун ибрат ва далдадир.

Ҳадис илмида Имом ал-Бухорий «Саҳиҳ» йўналишига асос солган бўлсалар, Имом ат-Термизий «Сунан» йўналиши асосчиларидан бўлиб, дунё халқдарига устозларидек ўлмас ёдгорлик қолдирдилар. Биз ана шу қутлуғ меросни халққа етказишда ҳомийлик қилиб, ҳисса қўшаётганимиздан бахтиёрмиз. «Сунани Термизий» таржимонларига, ноширларига ва уни эл-юрт аҳлига етказишга хоҳ моддий, хоҳ маънавий улуш қўшган барча кишиларга самимий ташаккур билдириб, уларга боқий бахт-саодат, омад ва муваффақият тилаб қоламан.

Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳийм. Аллоҳу таолога беадад ҳамду санолар, Расулуллоҳга ва у кишининг хонадони аҳлига ҳамда саҳобаларига беҳисоб салоту саломлар бўлсин!

Мана, Ўзбекистон истиклолининг ажиб меваларидан бири - ҳазрати Абу Исо Мухаммад ат-Термизийнинг «Сунани Термизий» («Ал-жомий ас-саҳиҳ») китоби ўзбекча таржимасининг биринчи жилди кўлингизга етди. Улуғ ватан дошимиз бўлмиш Имом Ат-Термизий жаҳондаги олти нафар энг машҳур муҳаддиснинг бири, Имом Ал-Бухорийнинг замондоши, сафдоши ва шогирдидир. Ана шу атоқли зот китобининг она тилимиздаги таржимасига оид муҳим хусусиятларни Сиз азиз ўқувчиларга маълум қилишни лозим топдик.

1. Мазкур таржима «Сунани Термизий»нинг Миср Республикаси, Қоҳира шаҳридаги «Ал-Маданий» нашри нусхасига асосланган Истамбул нашридан амалга оширилди: ҳадислар асл арабий тилдан сўзма-сўз таққосланган ва туркий таржимадан фойдаланган ҳолда таржима қилинди.

Шарҳ ва изоҳлар эса Истамбул (1971) нусхасидан таъдил этилди. «Сунан»да мазҳаб жиҳатлари эътиборга олинган бўлса-да, баъзан бир мавзуда хилма-хил ёки қарама-қарши ҳадислар келтирилади. Ўзбекистон мусулмонлари, айниқса, ёшлар ҳадисларга Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ мазҳабига мувофиқ тўғри амал қилмоқлари учун ана шундай изоҳ ва баъзи иловаларга эҳтиёж бор. Шунинг учун тайёр изоҳотдан истифода этилди.

2. Ҳадисларни ўғаришда мутаржимга «Саҳиҳи Бухорий»нинг ўзбекча матни таҳриридаги кўп йиллик тажрибала ри, мавзуларнинг таниш эканлига кўл келди: таржимада «Саҳиҳи Бухорий»даги зарур ибора ва ифодалардан, «Шамоили Муҳаммадия» асари ўзбекча (Саййид Маҳмуд Торозий) таржимасидаги ҳадислардан, “Мухтасар ул-виқоя”лаш ҳадисларнинг ифода усулларида, «Ғиёс-ул-луғот» ва бошқа зарур қомуслардан, шунингдек, мухтарам устозларнинг баъзи маслаҳат ва ёрдамларидан фойдаланилди.

1. Арабча нусхада. Имом Ат-Термизий ўз шарҳини ҳар гал «Абу Исо айтади» деб бошлайдилар. Ўзбекча нусхада ихчамликка интилиб, бу ибора тушириб қолдирилди. Чунки муаллифнинг шарҳи матндан маълум, муаллифга мансуб бўлмаган зарур қўшимчалар эса «Илова» деган сўз билан қавс ичида тақдим этилди.

4. Арабий нусхада ҳар бир ҳадис ровийларининг санади — тартибли рўйхати тўлиқ келтирилган. Зарур бўлганда олишар санадни кузатишлари мумкин. Ўзбекча таржимада эса ровийлардан битта саҳобани, айрим ўринларда тобиъийни қайд этиш билан кифояландик. Усмон Закий Мулла Муҳаммад ўғли тажрибасида ҳам, «Саҳиҳи Бухорий» таржимасида ҳам шу усул қўлланган.

5. Ўзбекча таржимада, мўътабар шарҳларга таянган ҳолда, ҳадислар маъносини кенгроқ очадиган айрим сўз ва иборалар, қисқа изоҳлар заруратан



қавс ичида бериб борилди.

6.Арабий нусхада боб рақамидан кейин сарлавҳа қайд этилган. Ўзбекчада эса, ҳар бир мавзуга алоҳида эътиборни тортмоқ мақсадида, Усмон Закий Мулла Муҳаммад ўғли тажрибасига таяниб, ҳар бир сарлавҳа бошида «Мавзу» деган сўзни қўйдик.

7.Саҳифа остида рақам билан белгиланган шарҳ ва изоҳлар аввало Шайх Муборакфурийнинг Термизий ҳадислари шарҳидан иборат «Тухфат-ул-ахвзий» китобидан, Мисрнинг собиқ қозиси Аҳмад Муҳаммад Шокир шарҳларидан, қисман Ал-Азхар Дорилфунуни мударриси Абдул-Ваҳҳоб Абдул Латиф ҳамда қисман Абдурраҳмон Муҳаммад Усмоннинг таҳқиқ ва тасҳиҳларидан олинган. Улар ҳазрати Мулла Али Ал-Қорий шарҳларига ҳам таянганлар. Усмон Закий Мулла Муҳаммад ўғли Истанбул нусхасида келтирган бу қайдлар баъзан ўринли қисқартирилиб, баъзан Имом Аъзам мазҳабларига мувофиқ иловалар билан бойитилди.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг таржимаи ҳоллари: Исм ва насаблари — Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Ад-Даҳҳоқ Ас-Сулабий Ал-Бугай Ат-Термизий. Кунyasi эса - Абу Исо (яъни, Исонинг отаси)дир.

Термизийнинг насаби кўпгина манбаъларда ана шундай зикр қилинган. У зотнинг насаби ҳақида яна икки хил қавл бор. Биринчиси - Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Шадҷод дейилади. Иккинчиси - Муҳаммад ибн Исо ибн Язид ибн Савра ибн Ас-Сакан дейилади.

Таваллуд вақтлари:Ат-Термизий ҳижрий 209-йилда (милодий 824-825 йилда) таваллуд топдилар. Ҳофиз аз-Заҳабий «Мийзон-ул-ийтидол» китобида Термизийнинг ҳижрий 279-йилда вафот этганларини зикр қилиб, «вафот этган вақтларида етмиш ёшда эдилар», дейди. Аллома Мулла Али Ал-Қорий ҳазратлари ҳам «Аш-шамоил» асари шарҳида худди шу гапни айтади.

Ватанлари: Имом Ат-Термизийнинг туғилган ватанлари бугунги Ўзбекистондир. Ат-Термизий Буғ қишлоғида таваллуд топдиларми ёки Термиз шаҳридами? Ал-Бугай деб Буғ қишлоғига нисбат этилишлари ё бу

кишлокда туғилганлари ёки у ерда яшаб, вафот этганлари туфайли бўлади. Мулла Али Ал-Қорий ҳазратлари Термизийнинг ўзларидан бундай деганларини накл этади: «Бобом, Лайс ибн Сайёр даврида Марвазда яшар эдилар. Кейин Гермизга кўчганлар»<sup>11</sup>

Буғ - Термизга қарашли бир қишлоқ бўлиб, шақардан олти фарсах<sup>12</sup> нарида жойлашган. Термизий шу қишлоқдан бўлиб, бу қишлоқ тобеъ бўлган Термиз шаҳрига нисбат берилган бўлишлари эҳтимоли кўпроқ.

Термиз - эски Жайхун, ҳозирги Амударё ёқасида жойлашган жуда қадимий ва жуда ажойиб шаҳардир. (Жайхун баъзи манбаъларда «Балх дарёси» деб зикр қилинган).

Ислом илмларининг тараққий этишида Туркистон шаҳарлари ичида Термиз кенти ҳам катта аҳамият касб этган. Самарқанд ва Бухорони Балх каби қадимий илм маркази билан боғловчи шаҳар Термиз эди. Шунинг учун ҳам бу ерда кўплаб алломалар етишиб чикди. Шулардан бири Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Бинзр Ҳаким Термизийдир (245-320 ҳижрий, 859-932 м.й.). Манбаъларда айтилишича, у 300 дан ортиқ асар битган. Шулардан 57 таси бизнинг замонамизгача етиб келган.

Саёҳат ва изланишлари: Имом Ат-Термизий 20 ёшга етганларида Хуросон шайхларидан Исҳоқ ибн Роҳвайҳ Марвазий ва бошқалардан илм ўргандилар, сўнг 25-26 ёшларида Ироққа (Басрага) бориб, у ердаги алломалардан дарс олдилар. Ундан сўнг Ҳижозга кетдилар. Лекин манбаларда ул зотнинг Бағдодга, Мисрга ва Шомга борганлари ҳақида хабар келтирилмаган. Бунга ўша вақтда бу юртлардаги нотинчлик сабаб бўлган, деган фикр бор.

Бу саёҳатлари кўп йиллар давом этди, имом Термизий Термизга 250 ҳижрий (864 м.) йилдагина қайтиб келдилар, бунга қараганда, тахминан 20 йил давомида ўзга юртларда ҳадисларни ўрганиб, йиғиб юрганлар. Имом Бухорий билан Нишопурда (250 ҳижрий йил) учрашиб, кўп ҳадислар

<sup>11</sup>«Шарҳ-уш-шамоил»: 136-саҳифа.

<sup>12</sup>Фарсах - тўрт соатлик масофа, 12.000 кадамлик йўл.

хусусида музокаралар олиб борганлари ҳақида маълумотлар бор. Шундан сўнг «Ал-жомий-ас-саҳих» («Сунани Термизий») китобларини ёза бошлаганлар.

Устозлари ва шогирдлари: Термизий олдинги имомларнинг кўплари билан кўришганлар ва улардан баҳраманд бўлганлар. Термизий даври - ҳижрий 3-аср, ҳадис илмларида буюк юксалиш бўлган давр эди. Кутуби ситта - олти энг машҳур ҳадис китоби муаллифи бўлган имомлар, яъни олти энг улуғ муҳаддис ана шу олтин даврда яшаб камол топдилар. У зотларнинг таваллуд ва вафот йиллари қуйидагича:

1.Мухаммад ибн Исмоил Абу Абдуллоҳ Ал-Бухорий ҳижрий 194-256.

2.Муслим ибн Ҳажжож Ал-Қушайрий Абул Ҳусайн ҳижрий 204-261.

3.Абу Исо Мухаммад ат-Термизий — ҳижрий 209- 279.

4.Абу Довуд Сулаймон ибн Ал-Ашъас Ас- Сажистоний - ҳижрий 202-275.

5.Ахмад ибн Шуайб Абу Абдурраҳмон Ан-Насоий ҳижрий 215-303.

6.Ибн Можа Мухаммад ибн Язид ибн Можа Абу Абдуллоҳ - ҳижрий 209-273.

Ушбу олти имомдан олтовларининг ҳам ривоятларида иштирок этган шайхлар қуйидагилар:

- Мухаммад ибн Башшар Бундор - ҳижрий 167- 252.
- Мухаммад ибн Ал-Мусанна Абу Мўсо - ҳижрий 167-252.
- Зиёд ибн Яҳё Ал-Ҳассоний - ҳижрий 254 йилда вафот этган.
- Аббос ибн Абдулазим Ал-Анбарий - ҳижрий 246 йили вафот этган,
- Абу Саъвд Ал-Ашаж Абдуллоҳ ибн Саъид Ал- Киндий - ҳижрий 257 йили вафот этди.
- Абу Ҳафс Амр ибн Али Ал-Фаллос - ҳижрий 160- 249.
- Яъқуб ибн Иброҳим Ад-Даракий - ҳижрий 166-252.
- Мухаммад ибн Маъмар Ал-Қайсий Ал-Боҳроний ҳижрий 256 йилда вафот этган.
- Наср ибн Али Ал-Жаҳдамий - ҳижрий 250 йилда вафот этган.

Имом Термизий бу шайхлардан кўра олдинроқ ўтган шайхларни ҳам

кўрганлар ва ушбу «Сунан» китобида улардан ҳадис ривоят қилганлар. Ўша шайхлардан баъзилари қуйидагилардир:

- Абдуллоҳ ибн Муовия Ал-Жумахий - ҳижрий 243 йили юз ёшида вафот этди.
- Али ибн Ҳужр Ал Марвазий - ҳижрий 244 йили юз ёшга яқинлашганда вафот этган.
- Сувайд ибн Наср ибн Сувайд Ал-Марвазий - ҳижрий 241 йилда 91 ёшда вафот этган.
- Кутайба ибн Саъид Ас-Сақофий Абу Ражо - ҳижрий 150-242.
- Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Абушшавориб - ҳижрий 244 йилда вафот этган.
- Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Хоғам Ал Ҳаравий - ҳижрий 178-244
- Исмоил ибн Мусо Ал-Фазорий Ас-Суддий - ҳижрий 245 йилда вафот этган.

Термизий яна бошқалардан, Имом Ал-Бухорий шайхларининг кўpidан ҳам ҳадис ривоят қилганлар. У киши асосан Имом Ал-Бухорийнинг шогирди бўлиб, ижозатлари ўша кишидандир, Ҳадис илмини у зотдан олдилар ва у зотнинг қўлларида камол топдилар. У кишида ўқиб, у кишидан баҳра топдилар. Ҳадис илмига тааллуқли баъзи ишларда устоз билан мунозара қилдилар. Устозлар билан қай бир ўринда мувофақаз қиладилар ва қай бир ўринда мухолафат қиладилар. Ўша давр олимларида бу хусусият бор эди. Таклидни тан олмас эдилар. Таклиддан қочиш ва ҳар қайда ҳамиша Ҳаққа, ҳақиқатга тобеъ бўлиш уларнинг одатлари эди.

Масалан, Термизий ушбу «Сунан» китобининг 17-ҳадисида ровийлар ихтилоф қилаётганини кўриб, «Мен ўзим Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмондан сўрадим: «Бу ҳадисда Абу Исҳоқдан қилинган ривоятларнинг қайси бири саҳиҳроқ?» десам, ҳеч қандай ҳукм билдирмади. Буни Муҳаммад, (Бухорий)дан сўрадим, у ҳам бирор ҳукм билдирмади», дейдилар, Яъни икки имом ҳам ривоятлардан биронтасини устун қўймайдилар. Кейин Имом Бухорий ривоятлардан биттасини танлаб, «Ал- Жомий...» китобига киритганларини Термизий баён этадилар. Лекин Термизий бу фикрга таклид

килмасдан, ўз далилларига таяниб, бошқа ривоятни афзал кўриб, китобга киритадилар.

Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг ўлкаларни кезганлари, Хуросон, Ироқ, Хижоз олимларини тинглаганлари «Ат-тахзиб» китобида баён этилган. Мисрнинг аввалги шариат қозиси Аҳмад Муҳаммад Шокир: «Термизий Бағдод шаҳрига борган, деб тахмин қилмайман. Чунки, Бағдодга кирган бўлса эди, муҳаддисларнинг улуғи ва пешқадами саналмиш Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбалдан (164 241) ҳадис эшитган бўларди ва Ҳофиз Абу Бакр Ал-Хатийб «Тарих ўл- Бағдод» китобида бу ҳақда ёзган бўларди», дейди.

Термизийдан ҳадис ривоят қилган кишилар кўп. «Газкират-ул-хуффо» («Ҳофизлар ёдномаси») ва «Ат- таҳзиб» китобларида булардан айримлари зикр қилинган

Ал Маҳбубий, Термизийдан ҳадис ривоят қилган зотларнинг энг биринчиларидандир. Ибнул-Имод бу зот ҳақида бундай дейди: «Абул-Аббос Ал-Маҳбубий; Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Маҳбуб Ал-Марвазий, Марв ўлкасининг муҳаддисси, шайхи ва раисидир, 346-ҳижрий йилнинг Рамазон ойида 97 ёшида вафот этди. «Сунани Термизий» китобининг муаллифидан (яъни Термизий ҳазратларидан) ҳадислар ривоят қилган зотдир<sup>13</sup>»

Термизийнинг шахси ва асари ҳақида уламоларнинг фикрлари Улуғ устоз имом Бухорий ўз шогирди имом Термизийни алқаб, камтаринлик билан: «Сен мендан баҳра топганингдан кўра мен сендан кўпроқ баҳра топдим», дейди. Бу Термизийга берилган жуда катта баҳо эди. («Ал-Мирқот», 1-жилд, 22-бет).

Ҳофиз Абул-Фазл Муҳаммад ибн Тохир Ал-Мақдисий, Ҳасан ибн Аҳмад Абу Муҳаммад Ас-Самарқандийдан, Абу Бишр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Амрдан, Ҳофиз Абу Саъид Абдуррахмон ибн Муҳаммад Ал-Идрисийдан нақл этиб, бундай дейди: «Ҳофиз ва аъмо (кўзи ожиз) Муҳаммад ибн Исо ибн Савра Ат-Термизий - ҳадис илмида иқтидо этиладиган

---

<sup>13</sup> Шузурут-уз-заҳаб:2/373

(эргашиладиган) имомлардан биридур. «Ал-Жомийъ» («Сунани Термизий»), «Ат-таворих» ва «Ал-ҳол» китобларини олим ва дириятли (ақл-идрок ва тажрибали) бир инсон сифатида каламга олган. Ҳофизаси (хотираси) кучлилиги жиҳадан ўрнат қилиб кўрсатилар эди»<sup>14</sup>

Самъоний «Ал-ансоб» китобида Термизийни бундай тавсиф этади: «Муноқашасиз у ўз асрининг имоми бўлиб, турли таснифлар соҳибидир». Ибн Ҳалқон ҳам у зотни «Ҳадис илмида иқтидо этиладиган имомлардан биридир», деб тавсифлайди.

Аллома Тошкўпрулузода, «Мифтоҳ-ус-саъода» китобида бундай дейди: «Уламоларнинг хофиз ва аъламларидан бири эди. Фикҳада қимматли асарлари бор. Ҳадисни, имомлардан ташкил топган бир жамоатдан эгаллади. Биринчи табақа шайхларини кўрмоққа муяссар бўлди»

Ибнул Имод Ал-Ҳанбалий «Шузурот-уз-заҳаб» китобида «Ақронларидан (ёшдош) яқинларидан устун, ҳифз (хотира) ва итқон (устиворлик ва мустаҳкамлик) бобида бир мўъжиза эди», дейди.

Ал-Ҳоким Абу Аҳмад, ўз устозларидан биттаси Термизий ҳақларида бундай деганини баён этади: «Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий вафот этганларида Хуросонда эдим. У кишининг оргидан илм, ҳифз, вараъ ва зузд бобида Абу Исо (Термизий)дек бошқа бир зот қолмади. Термизий, йиғлайверганидан кўзларидан жудо бўлиб қолди ва бир неча йиллар аъмо (кўрмас) ҳолатда яшади».

***«Ат-таҳзиб» китобида Ҳофиз Юсуф ибн Аҳмад Ал-Бағдодий, Термизий ҳақларида бундай дейди: «Термизий умрларининг охирига бориб кўздан қолди».***

Бу ўринда уламанинг Термизий ҳақларидаги таъриф ва тавсифларидан фақат бир қисминигина баён этдик. Энди Термизийнинг китоби борасидаги фикр-мулоҳазалардан ҳам бир қадар сўз юритайлик.

Термизийнинг «Сунан» китоби ҳақидаги фикрлар:

*Ибнул-Асийр уз «Тарих»ида бундай дейди: «(Термизий) имом ва хофиз*

---

<sup>14</sup> Мажмуат-у фаивоид(и) ҳадисиййа. Қадим кўлёма асарлардан

эди. Бебаҳо асарлар тортик қилди. «Ал-жомий ул-кабир» («Капа тўйлам», яъни «Сунани Термизий») бу асарларнинг энг мукаммалидир».

«Кашф-уз-Зуннун» китобида «Сунани Термизий» асари борасида бундай дейилади: «Бу ҳадис бобида тас ниф этилган кутуби ситта (олти улуф китоб)нинг учинчисидир. Бу китоб «Ал-жомий-ас-сахих» («Ишонарли тўйлам») дейилади, шунингдек «Сунан» ҳам деб аталади. Аммо биринчи номи кўпроқ қўлланади».

Ҳофиз Абул-Фазл Ал-Макдисий айтади: «Ҳиротда имом Абу Исмоил Ал-Ансорийдан эшитдим. У ўз мажлисида, Термизий ва унинг китоби борасида сўз кетганида бундай деди: «Менинг учун унинг (Термизийнинг) китоби Бухорий ва Муслим китобларидан кўра фойдалироқ. Чунки Бухорий ва Муслимдан фақат мутахассис олимларгина истифода этади. Термизийдан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин».

Аллома Тошкўпрулизода Термизийнинг таржимаи ҳоли ҳақида бундай дейди: «(Термизий) ҳадис илмида кўпгина асарлар тақдим этди. Унинг ушбу «Ал-жомий-ас-сахих» китоби бу асарлар орасида фойдаси энг кўп, тартиби энг ихчам, такрори энг оз китобдир. Унда бошқа ҳадис китобларида учрамайдиган хусусиятлар бор. Мазҳаблар ва истидлол (далил 'келтириш) жиҳатлари эътиборга олинган; сахих, ҳасан ва ғариб деб ҳадис турлари аниқ белгиланган.

Ҳофиз Абул-Фазл Ал-Макдисий, Термизийнинг китобини ўта танқидий назар билан тадқиқ этганидан кейин, бундай дейди: «Абу Исо (Термизий)нинг китобида тўрт қисм ҳадислар ўрин олган;

а)сахих эканлиги қатъиян қабул қилинган ҳадислар қисми; бу қисмдан Бухорий ва Муслимга мувофақат қилинган ҳадислар ўрин олган;

б) учлик шартига асосланган ҳадислар қисми;<sup>15</sup> Бу қисмдаги ҳадислар толий (иккинчи) даражададир;

в) зиддият қисми, бу қисмдаги ҳадисларнинг иллатлари очилган ва бу борада қаттиқ талабчанлик намоён қилинган;

---

<sup>15</sup>Учлик: Абу Довуд, Ан-Насоий ва Ибн Можа назарда тутилган.

г) бу тўртинчи қисм ҳадислар борасида (Термизий) «Ушбу китобимда фақатгина фақиҳлар (олимлар) амал қилган қадисларни гаҳриж қилдим» дейди. Бу шартнинг ҳудуди кенг. Шу асосга таяниб, Термизий, бир олим киши ҳужжат сифатида қабул қилган ёки керак бўлганда амал қилган ҳадисни унинг санади хоҳ саҳиҳ бўлсин, хоҳ бўлмасин, лекин ўзи ҳақида сўз юритилишига имкон қолдирмаганини кузатамиз. Яъни таҳриж этилган ҳар бир ҳадис ҳақида керакли изоҳни бериб, кўнгилларни хотиржам қилади».

Термизийнинг ўзлари ўз китоби ҳақида бундай дейдилар: «Ушбу китобни тасниф қилганимдан кейин, уни Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига такдим этдим. Улар розилик билдириб, қабул қилдилар. Кимнинг уйида бу китобдан бўлса, ўша хонадонда худди Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам гапираётгандек бўлур...»

Термизийнинг бошқа асарлари ҳам бўлиши мумкин. Бунда зикр қилинган китобларни айрим манбаларга таяниб баён этдик<sup>16</sup>. «Сунани Термизий» китобида ҳадис мартабаларининг белгиланиши «Сунани Термизий» китобида ҳадисларнинг даражаларини белгилашда икки ибора кўлланган. Ноаниқ ва муҳкам қолмасин деб бу икки иборани муҳтарам ўқувчига тушунтириб ўтмоғимиз лозим: биринчиси - «Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ» деган ибора; иккинчиси - «Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ-ғариб» деган ибора.

Термизий айрим ҳадисларни «ҳасан-саҳиҳ» ёки «ҳасан-ғариб» деб, ёки «саҳиҳ-ғариб» ва ёхуд «ҳасан-саҳиҳ-ғариб» деб атайдилар. Пекин бу бирикмаларни таърифламайдилар. Масалан, бир ҳадисни фақатгина «саҳиҳ» деб ёки «ғариб» деб атаганларида, бунинг таърифини келтирмаганлар. Балки булар ҳадисчилар наздида тушунарли бўлгани учун таърифни лозим кўрмагандирлар. Аммо ажабки, фақатгина «ҳасан»нинг таърифини келтирадилар. Бу номаълум бир ифода ёки янги бир истилоҳ бўлгани учун таърифга эҳтиёж ҳис этган бўлсалар керак, деган фикрдамиз.

Ҳадисни уч қисмга бўлиш Термизийнинг ижоди эканлигини юқорида таъкидлаган эдик. Термизийдан олдинги муҳаддисларнинг асарларида

---

<sup>16</sup>Ахмад Муҳаммад Шокирнинг Термизий китобига ёзган «Муқаддима» сидан олинди. 90-саҳифа.



«ҳасан» иборасига дуч келган бўлсак-да, аммо ҳадисни «ҳасан, саҳиҳ ва заиф» деб уч қисмга бўлган ва «ҳасан» иборасини илк маротаба илмий истилоҳ сифатида қўллаган зот Термизийнинг ўзларидир.

Термизий «ҳасан» иборасини ўз китобида бундай таърифлайдилар: «Ушбу китобимизда «Бу ҳадис ҳасан» деган пайтимизда биз санадининг ҳасан эканлигини назарда тутганмиз. Чунки ровийси ёлғончи деб тахмин қилинмаган ҳар бир ҳадис, деярли бошқа сабабдан ривоят қилинса ва шоз(з) бўлмаса, у ҳадис, бизнинг фикримизча, ҳасандир».

Ибну-Салоҳ «Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ» деган ибора ҳақида бундай дейди: «Термизий ва бошқалар (Яҳё ибн Моъин, Ибн-у Аби Шайба, Абу Али Ат-Тусий ва шулар сингари бошқа муҳаддисларни назарда тутмоқда) қўллаган «бу ҳадис ҳасан» деган иборада ишқал (чалкашлик) бор. Чунки «ҳасан»нинг мартабаси маълум сабабга кўра «саҳиҳ»нинг мартабасидан пастдир. Бир ҳадисда бу икки истилоҳни жамъ қилмоқ ўша қусурнинг (айб-нуқсоннинг) ҳам нафйи, ҳам исботи (рад ва исботи) демакдир». Шундан кейин бу ишқол борасида бундай жавоб қайтаради: «Ушбу иборанинг қўлланиши санадга тегишлидир. Ҳадис икки иснод билан ривоят қилинади. Агар иснодларнинг биттаси ҳасан, иккинчиси саҳиҳ бўлса, бу ҳадисни «ҳасан-саҳиҳ» деб айтиш тўғри бўлади. Яъни ҳадис бир иснодга кўра - ҳасан, иккинчи иснодга кўра - саҳиҳдир. Бу ўринда «ҳасан» сўзининг луғавий маъносини кўзда тутган бўлишини ҳам инкор этиб бўлмайди. Кўнгил мойил бўлган ва қалб қабул қилган нарса ҳасан дейилади. Бу тақдирда «ҳасан» ибораси истилоҳий маъносидан бошқа маънода қўлланган бўлади».

Ибну-Салоҳ жавобининг биринчи қисмига эътироз билдирилган. Чунки Термизий фақат биттагина исноди бўлган ҳадисга нисбатан ҳам «ҳасан-саҳиҳ» таъбирини қўллаганлар. Демак, «ҳасан» сўзи бу ўринда луғавий маъносида қўлланганини таъкидлаш ишқалнинг олдини олиш учун энг мувофиқ йўлдир. Бу орада «саҳиҳ-ҳасан» ибораси «ҳасан» билан «саҳиҳ» ордсидаги бир мартаба эканлигини иддао қилганлар ҳам бор. «Ҳасан-саҳиҳ-ғариб» иборасига келсак, ҳасан ҳадис бир сабабдан ривоят этилса, ғариб

бўлади. Ҳасан ҳадис ҳам

Бутун оламларнинг Парвардигори - Аллоҳу таолога беадад ҳамду санолар бўлсин; Аллоҳнинг бандаси ва Расули Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламга, бутун хонадони аҳлига ва саҳобаларига саноксиз салоту саломлар бўлсин! Ҳақ йўлига юриб, Исломига кўнгил боғлаган барча инсонларга Ҳақ таолонинг раҳмати ва саломлари бўлсин!...

Мана, бу кун «Сунани Термизий» асарининг биринчи жилдини ўзбек тилига ўгириб, мустақил Ўзбекистон мусулмонларига тақдим этишга муваффақ бўлиб турганимиздан ғоят бахтиёрмиз! Айтмоқ жоизки, Термизийнинг «Сунан» китоби бошқа ҳадис китоблари орасида ўзига хос ўрин эгаллаган асардир.

Ушбу китобни бошқа ҳадис китобларидан фарқлаб, ажратиб турган учта хусусиятни таъкидлаб ўтмоқчимиз, чунки бу уч хусусият «Кутуби ситта», яъни олтита энг машҳур ҳадис тўпламининг Термизий китобидан бошқа ҳеч биттасида учрамайди.

Термизий, ҳар бир бобнинг ҳадисини зикр қилганидан кейин, худди шу бобга тегишли ҳадис ривоят қилган саҳобаи киромларнинг исмларини санаб ўтади. (Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлеи). Хоҳ улар ривоят қилган ҳадислар Термизий келтирган ҳадис маъно сига мос бўлсин, хоҳ бошқа маънода бўлсин, хоҳ унга зид маънода бўлсин; ҳар ҳолда, Термизийнинг ҳадисша яқиндан ёки узокдан алоқадор бўлса, кифоя! Ана шу хусусият Термизий китобининг шарҳини кучайтириб юборган жуда муҳим унсурдир. Айниқса, ҳадис олимлари кибрити аҳмардек - мис ва қалайни тилло қиладиган иксирдек нодир бўлиб қолган кейинги даврлар учун бу ўта муҳим хусусиятдир. Кейин эса, Термизий ишорат этган барча ҳадисларни санадлари ва матнлари билан таҳриж қилмоқ, яъни, асослаб юзага чиқармоқ бир умрни талаб қиладиган ишдир. Шайх Муборақфурий Термизий китобини шарҳлаганда бу ишни бажармоқчи бўлди, аммо барча ҳадисларни таҳриж этишга муваффақ бўла олмади, ўз таҳрижларида эса бошқа алломаларга эргашиш билан кифояланди.

Термизий, фикҳий масалаларда фақиҳларнинг қавлларини - фикр-қарашларини кўп бор зикр қилади, далилларга ишорат этиб, худди ўша масалада бир-бирига зид ҳадисларни шарҳлайди. Бу хусусият қай даражада аҳамиятли, муҳим ва улуғ бир мақсадга мувофиқ эканлиги очиқ-равшандир. Асосан, ҳадис илмларининг ҳақиқий ғояси ва мақсади истиқлол, яъни, далил келтириш ҳамда бекаму-кўст иттибоъ этиш - эргашиш ва амал қилиш учун асос бўладиган ҳадисларни аниқлаб тайин этишдир.

Термизий ҳадислар таълилига жуда кучли эътибор беради. Ҳар бир ҳадиснинг сихҳат ва заъф - соғломлик ва заифлик даражасини аниқлайди. Ҳадиснинг иллатлари ҳақида, ровийлар борасида батафсил ва аҳамиятли изоҳлар беради. Термизийнинг бу йўналиши билан ҳадис илми қоидаларининг, айниқса, таълил илмининг амалий бир тадбиқи намоён бўлади. Хуллас, бу олимлар ва мутааллимлар учун энг фойдали бир китоб эканлигини иддао қилишимиз мумкин. Чунончи, Ҳофиз Абул-Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир Ал-Макдисий, Термизий ҳақида бундай дейди: «Ҳиротда Имом Абу Исмоил Абдуллаҳ ибн Муҳаммад Ал-Ансорийдан эшитдим. У ўз мажлисида Термизий ва унинг китобидан гап кетганида айтдики, «Менинг учун унинг (Термизийнинг) китоби, Бухорий ва Муслим китобларидан кура фойдалироқ. Чунки, Бухорий ва **Муслим** китобларидан фақат мутахассис олимларгина истифода этади. Абу Исо (Термизий)нинг китобидан аса ҳар ким фойдаланиши мумкин».

Термизий эса уз китоби ҳақида бундай дейди: «Бу китобни тасниф қилганимдан кейин унн Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига тақдим этдим; улар розилик билдириб, қабул қилдилар. Кимнинг уйида бу китобда бўлса, ўша хонадонда Пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи васаллам) гапираётгандек бўлур» Термизийнинг шахсияти ва китоби борасида уламоларнинг фикр қарашларини Термизийнинг таржимаи ҳоли бобида баён этдик. Энди эса ҳадис илмининг баъзи истилоҳларини шарҳлаб ўтайлик.

Муҳаддисларнинг, хусусан кейинги олимларнинг фикрича, «ҳадис» ва «суннат» бир маънодаги икки сўздир. Ҳадис ёки суннат Пайғамбар

саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари, феъл-атворлари ёки бирор тақрирлари (бирор масаладаги розиликлари) ёхуд бирор сифатларининг ифодасидир, яъни шаръий ҳукмлардир. Аммо бу икки лафзнинг тарихи ва луғавий асосларига диққат қилинса, қўлланиши борасида луғат ва истилоҳ жиҳатидан нозик фарқлари борлиги кўзга ташланади.

Ҳадис - сўзлашув ва хабар бериш маъносида келган нақлнинг (баён ва ифоданинг) номидир. Кейин Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари ёки феъллари ёхуд тақрирлари (бирор масаладаги тўхтамлари) ҳадис дейилган, айрим олимлар, “ҳадис” тушунчасида “Янгилик” деган маъно бор деб, бу сўзни “қадим” сўзининг муқобили сифатида қўллашган.

«Суннат» эса - асли эътибори билан «ҳадис» лафзига баробар эмас. «Суннат» нима? Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган диний йўл «суннат» деб аталар эди. Чунки «суннат»нинг луғавий маъноси «йўл» деганидир. Бу жиҳатдан, «ҳадис» Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари ва феълларини ифода этса, «суннат» эса фақатгина у зотнинг феълларига хосдир. Бу икки лафз-тушунча орасидаги ана шу фарқ туфайли баъзан муҳаддислар: «Бу ҳадис қиёсга, суннатга ва ижмоъга зиддир» ёки «ҳадисда имомдир, суннатда имомдир; ҳадис ва суннатда имомдир» каби ибораларни қўллашган. Бу икки сўз орасидаги ўзига хосликни ана шундай ифода ва иборалар мазмунидан англаймиз.

«**Таҳдис**» (яъни баён қилиш ёки сўзлаб бериш) дегани «хабар» маъносида келади. Шунга кўра «хабар» лафзи маъно жиҳатдан «ҳадис» лафзига «суннат» сўзидан кўра яқинроқ. Чунки Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари Расули акрамга оид бўлган хабардан иборат. Аммо тарих ва шунга ўхшаш илмлар билан шуғулланадиган олимлар «ихборий» (яъни хабар қилувчилар) деб номланган, суннат билан шуғулланадиган олимлар эса «муҳаддис» деб аталган ва шу боис тарихчиларнинг ривоятлари «хабар» деб, муҳаддисларнинг ривоятлари эса «ҳадис» деб ном олган. Иккала сўз орасида умумий-хусусий ва мутлоқ жиҳатлар бор. Яъни, ҳар қандай ҳадис хабардир, лекин ҳар қандай хабар

ҳадис эмас. Ваҳоланки, «ҳадис» ва «хабар» лафзлари маънодош, деган фикрга эга бўлган муҳаддислар, бу икки сўзнинг луғавий жиҳатдан бир хил маънода эканлигининг энг аввало ушбу томонини мулоҳаза этишади. Ровийлар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга оид ҳадисларни ривоят қилиш билангина чекланиб қолмайдилар, айти вақтда мавқуф ва мактуъ тарзидаги ҳадисларни ҳам ривоят қилишади. У ҳолда фақатгина Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эмас, балки саҳобаларнинг ва тобиъийнинг сўзларини ҳам ривоят этишадики, ривоят икки ўринда ҳам хабардир. Хуллас, ҳадисни «хабар» деб ва хабарни «ҳадис» деб аташнинг зарари йўқ.

Муҳаддислар «асар» сўзига ҳам шу нуқтаи назардан қарайдилар; бу лафз «хабар», «суннат» ва «ҳадис» лафзлари билан маънодош эканлигини айтадилар. Чунончи, «асар»ни саҳобаларга ва тобиъийга оид қавллар (сўзлар) ва феълларгагина хос деб ҳисоблашни тақозо қиладиган бирор сабаб йўқ. Гарчи хабар билан асар орасида фарқ бор, деб мулоҳаза қилганлар бўлса-да<sup>17</sup>, лекин биз умумий кўпчиликнинг фикрига эргашиб, бу истилоҳдар умуман «тахдис» ва «ихбор» маъносини ифода этишликда баробар деб қабул қиламиз. Ҳадис усули илмида баҳсга сабаб бўлган асос ана шудир.

Ҳадиси Қудсий-Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзан саҳобаларига Аллоҳу таолодан нақл этиб, бир сўз айтадилар. Бу сўз, бу мавъиза ваҳйи жалий, яъни очиқ-равшан ваҳий эмаслиги учун Қуръон эмас; шунингдек, Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бевосита ўз сўзлари эмаслиги учун ҳадиси Набавий ҳам эмас. Бунинг услуби Қуръони каримнинг услубидан тамоман бошқача. Аммо шу билан бирга, унда қудсий; (илоҳий) оламдан бир нафҳа (бир муборак, хуш ис), ғайб оламидан бир нур, жалол ва икром соҳиби бўлмиш Аллоҳу таолодан бир ҳайбат бор! Ана шу турдаги ҳадислар ҳадиси қудсий, яъни қудсий ҳадислар ёки илоҳий ҳадислар ва раббоний ҳадислар дейилади. Ҳадиси қудсий: «Расулуллоҳ саллаллоҳу

---

<sup>17</sup>Баъзи муҳаддислар марфуъ ва мавқуф ҳадисни асар деб қабул қилишади. Хуросон фуқоҳоси эса мавқуфни - асар, марфуъни - хабар деб ҳисоблашади.

алайҳи ва саллам Аллоҳу таолодан нақл қилиб айтдиларки...» деб бошланади. Шунинг учун айрим олимлар, ҳадиси қудсийда лафз, яъни сўз Аллоҳу таолодан эканлигини таъкидлайдилар. Ҳолбуки, уламоларнинг кўпчилиги лафз (яъни ифода) Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламдан, маъно эса Аллоҳу таолодан деб ҳисоблайдилар. Абул-Бақо ана шу фикрни илгари суради ва буни очиқ-ойдин таъкидлаб, бундай дейди: «Қуръон - лафзи ва маъноси ошкор ваҳий билан Аллоҳ хузуридан нозил бўлган каломдир. Ҳадиси қудсий эса - лафзи Расули Акрамдан ва маъноси илҳом ёки туш йўли билан Аллоҳу таолодан келган каломдир<sup>18</sup>»

Муснид, Муҳаддис, Ҳофиз- Ҳадис илми билан шуғулланган зотлар (шу илм атамаларига мувофиқ) турли номлар билан аталганлар. Булардан энг машҳурлари қуйидаги уч лақаб, уч номдир.

**Муснид** - ҳадисни санади (ровийларнинг узлуксиз тартиб-рўйхати) билан ривоят қилган ровийдир. Унинг ҳадис соҳасида билими бўлиши шарт эмас. Фақатгина ҳадиснинг матни ва санади билан эшитган кишисидан айнан нақд этади.

**Муҳаддис** - ҳадисларнинг санадларини, иллатларини, ровийларнинг аҳволини билган, имкони борича ҳадис ёдлаган, кутуби ситгани (олти машҳур ҳадис китобини), Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Муснад»ини, Байҳақийнинг «Сунан»ини, Табаронийнинг «Муъжам»ини тинглаган (сабоқ олган) ва буларга ҳадис жузъларидан минг жузъгача қўша олган кишидир<sup>19</sup>.

Ҳофиз - ҳадис билан шуғулланган зотлар орасида даражаси энг баланд ва мақоми энг юксак бўлган кишидир. Ҳофиз турли тарзларда таъриф этилган. Бир уламо фикрича, ҳофиз Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатини билган, йўлларини эгаллаган, санадларини бири-биридан тозалаган, саҳиҳ эканлиги иттифоқ қилинган ҳадислар билан ижтиҳод сабабидан «мухталифун фийҳ» бўлган ҳадисларни ёд билган; жарх

---

<sup>18</sup> Куллиёту Абил-бақо.288 бет

<sup>19</sup>«Тадриб-ур-ровий», 6-саҳифа.

ва таъдил истилохларидан воқиф бўлиб, ҳар бири орасидаги фарқни ажрата олган; ҳадисда мавҳум ва саҳиҳ бўлган лафзларни таниган, ҳадис матнларига дарж этилиб, (киритилиб), уларнинг бир парчаси ҳолига келган лафзларни фарқлаб ажрата оладиган ва ровийларнинг аҳволидан энг яхши тарзда воқиф бўлган ҳадис олимидир<sup>20</sup>.

Айримлари эса ҳар бир даврда ва маконда нодир, камёб бўлган кишилар ҳофиз деб аталишини ва бундай кишилар борлиги ҳали-ҳамон мутаазир, яъни узрли, истисно ҳолат эканлигини уқтирадилар. Зеро бир ҳадис олимнинг ҳофиз деб номланиши учун кенг ва қамровли иш билан бирга нодир сифатларнинг унда мавжуд бўлиши шарт қилинган. Ал-Ҳоқим «Ал-мадҳал» асарида бундай дейди: «Бир ҳофизнинг хотирасида ярим миллионта ҳадис сақланар эди<sup>21</sup>».

Аммо Фатҳуддин ибн Саййидиннос бу даъвонинг нисбий эканлигини ва ҳар бир даврнинг ўзига хос бир истилоҳ ва таҳдиди борлигини таъкидлайди ва айтадики, «Уламои мутақаддимийндан (қадимги олимлардан) дафтарида йигирма минг ҳадис ёзилмаган кишини ҳадисчи деб ҳисобламаганлари ривоят қилинади. Ҳолбуки, уларнинг бу тушунчалари ўз даврларига кўрадир<sup>22</sup>».

Имом Бухорий айтадики, «Хотирамда юз мингта саҳиҳ ҳадис ва икки юз мингта ғайри саҳиҳ ҳадис бордур-<sup>23</sup>».

Ҳофизлар гарчи юз минглаб ҳадисларни ёд олган бўлсалар-да, шундан фақат жузъий микдорини ривоят қилганлар. Бу бир таварруъ, яъни парҳезкорлик, эҳтиёткорлик масаласи эканлига маълум. Чунки ҳадисчилар Исломдан бўлмаган бирор сўзни Исломга тақаб қўйишдан қаттиқ ҳазар қилишган. Ал-Аъмаш, ровийлар ҳадисларнинг ҳар бир сўзи устида кўрсатган талабчанлик ва ҳасосликларни тасвирлайди ва уларнинг бу ҳаракатини мақтаб, бундай дейди: «Илм шундай зотларнинг қўлида эдики, уларнинг ҳар

---

<sup>20</sup> «Ал-Жомий ли-ахлоқир-ровий». 150/8. Саҳифа 2,- («Улум-ул- ҳадис ва мусталаҳуху», 76-саҳифа).

<sup>21</sup> «Тадриб-ур-ровий», 8-саҳифа.

<sup>22</sup> Шу манбаъ, 7-саҳифа.

<sup>23</sup> Шу манбаъ, 8-саҳифа.

бири учун осмондан ерга кулаб тушиш, шариат илмига биронта «вов», биронта «алиф» ёки биронта «дол» кўшиб кўйишдан кўра осонроқ эди. Энди эса илм, балиқнинг катта ёки кичиклиги борасида ҳам қасам ичаверадиган кишилар кўлида қолди<sup>24</sup>».

Ҳадис ё мақбул (қабул қилинадиган) ёки мардуд (номақбул) бўлади. Мақбул ҳадис - саҳиҳ, мардуд ҳадис эса - заифдир. Ҳадисларнинг табиий тақсими ана шудир, бундай тақсим, яъни бўлиниш ортида ровийларнинг ва ҳадис матнларининг аҳволлари ўзгариши билан бирга, сиҳхат ва заъф, яъни соғломлик ёки заифлик жиҳатидан ўзгарган бир қанча қисмлар бор. Бироқ муҳаддислар уч қисмга бўлиш борасида келишиб, бу учга бўлиш иккига бўлишдан кўра афзал деб санашган. Шундай қилиб, ҳадис саҳиҳ, ҳасан ва заиф тарзида уч турга бўлинган.

Мавзуъ дегани эса бу турларга кирмайди. Чунки, мавзуъ дегани Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга ёки саҳобалардан ва тобиъийндан бирор кишига тақалган гап бўлиб, аслида ёлғон ва уйдирмадир. Ваъз қилаётган киши наздида бу ҳадис ҳукмида бўлса-да, лекин мавзуъ эканлигининг исбот этилиши ундан «ҳадис» деган сифатии кеткизади. Бироқ то бу масала исбот, этилмагунича, уни ҳадис деб аташ мумкин. Агар бирон бир китобда «Бу ҳадис мавзуъдир» деган иборага кўзингиз тушса, шуни билингки, ўша ўринда «ҳадис» сўзининг ишлатилиши мазкур сўзни ҳадис сифатида нақл этиш ва ривоят қилиш ҳаром эканлигини билдириш учун бўлади. Энди тартиби билан шу уч тур ҳадисни қисқача изоҳлаб ўтайлик.

Саҳиҳ ҳадис - тўғри ва ақл-идрокли киши тўғри ва ақл-идрокли кишидан ривоят қилган, санади бошидан охиригача узилмай мупасил бўлган, шоз(з) ва муаллал бўлмаган (узилмаган ва нуқсонсиз) муснад ҳадисдир.

Санаднинг мунтаҳоси - тўхталган жойи (таянч нуқтаси) Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бўладилар, шунингдек, бирор саҳоба ва тобиъийн ҳам бўлигаи мумкин. Баъзи уламблар муснад билан муттасил орасини ажратган ҳоллар ҳам учрайди. Улар: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи

---

"«Ал Кифоя», 178, Ал-Аъмаш, у Сулаймон ибн Муҳровдир; 148-ҳижрий йилда вафот этган.



ва салламдан кўтарилган ҳадисни муснад деб, санади тугашган ҳадисни эса муттасил деб айтадилар. Уларнинг фикрича, муттасил ҳадис марфуъ ҳам бўлиши мумкин; мавқуф ёки мактуъ ҳам бўлиши мумкин; муснад ҳадис эса фақатгина Расули Акрамнинг ўзларидан кўтарилган ҳадисдир.

Саҳиҳ ҳадиснинг турлари: Саҳиҳ ҳадис мутавотир, аҳад, машҳур, мустафиз, азиз ва ғариб каби турларга бўлинади.

Мутавотир - ақлан ва одатан ёлғон нарса устида иттифоқ қилишлари мумкин бўлмаган бир жамоат, санади бошида, ўртасида ва охирида худди шундай сифатга эга бўлган бир жамоатдан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисдир<sup>25</sup>.

Бу жамоатнинг саноғини белгилаш борасида турли ва қарама-қарши фикрлар илгари сурилган. Биз бу фикрларга тўхталмаймиз, айтиш вақтда, мутавотир лафзи ва маъносига кўра икки қисмга бўлинишини ҳам шарҳлаб ўтирмаймиз. Чунки, саҳиҳ ҳадис - «саҳиҳ ли- зотиҳи» ва «саҳиҳ лиғойриҳи» каби икки турга ажралади. Аммо бу борада ҳам тўхталмай ўтамиз. Чунки, мақсадимиз ҳадис истилохлари ҳақида таълим бериш эмас, балки таржимамизда учрайдиган айрим илмий истилохларни тушуниб олишда ёрдами тегадиган муҳим маълумотни етказишдир.

Аҳад - бундай ҳадисларнинг ҳар биттаси «хабари воҳид» дейилади. «Хабари воҳид» - луғавий маъносига кўра, битта киши ривоят қилган ҳадис, дегани. Истилоҳий маъносига кўра - тавотур даражасига етмаган ҳадисдир.

Бу таърифдан маълум бўладики, кўйидаги ҳадис турлари «хабари воҳид»нинг алоҳида-алоҳида хилларидир.

Машҳур - сиқа (ишончли) бир имомдан жамоат (иккитадан ортиқ киши) муштарак тарзда ривоят қилган ҳадисдир. Аниқлик, очиқ-равшанлик касб этгани боис бундай ҳадислар машҳур деб номланган. Айрим фикр имомлари бундай ҳадисни айтиш вақтда мустафиз деб атайди. Ҳолбуки, машҳур ҳадис билан мустафиз ҳадис ўртасида фарқ бор.

Мустафиз - ёйилмоқ, тарқалмоқ (файз олмоқ) маъносида келадиган «истифоза» сўзидан келиб чиққан исми фоилдир. (феълдан ясалган от).

---

<sup>25</sup> «Шархун-нуҳба», 3 саҳифа

Машхур ҳадисни «мустафиз» дейдиган фикҳ имомлари, сўзнинг луғавий маъносини диққат марказида тутган бўладилар. Истилоҳий маъноси эса бошида ва охирида ровийлар саноғи тенг — бир хил бўлган ҳадисдир; бунда ровийлар санога иккитадан кўп бўлиши шарт қилинган.

Азиз - икки киши ривоят қилган, аммо ҳамisha, ҳар қайси даврда ровийлар санога иккитадан кам бўлмаган ҳадиедир. Бундай ҳадисларнинг азиз деб аталишига сабаб: ё-нодир бўлгани учун, ёки бошқа йўлдан келиши билан кувват касб этгани учундир.

Ғариб ва фард - саҳобадан кейин санадининг ҳар қандай бир жойида битта ровий якка ҳолда ривоят қилган ҳадис. «Ғариб ва фард» сўзлари орасида луғат ва истилоҳ жиҳатидан муштарак уйқашлик бор. Бу боғлиқлик фақат якка-ёлғизлик ва тоқлик маъносида бўлиб, ҳадис олимларидан айримлари бу хил ҳадисларни баъзан «фард», баъзан «ғариб» деб аташларининг сабаби шудир

Ҳасан ҳадис - одил, сидқ ва омонатда машхур, аммо қамровда саҳиҳ талаби даражасига кўтарилмаган ровий ривоят қилган, санади муттасил бўлиб, тобиъийндан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламгача етиб борган, шузуздан ва иллатдан саломат бўлган ҳадисдир<sup>26</sup>.

Кўриниб турибдики, саҳиҳ ҳадис билан ҳасан ҳадис ўртасидага фарқ фақатгана қамров (забт, яъни эгаллаш, ишғол этиш) саҳиҳда тугал, тўлиқ, «ҳасан»да эса бир оз пастроқ мартабада бўлишидан иборат.

«Сунани Термизий» ҳасан ҳадисларни аниқлашда асос-манбаъдир. «Ҳасан» истилоҳини кашф этган, ҳадисларни саҳиҳ, ҳасан ва заиф тарзида уч қисмга бўлган зот Термизийнинг ўзидир. Ундан аввал муҳаддислар заифни икки хил тарзда қабул қилишарди. Биринчиси - ўша ҳадис асосида амал қилиниши жоиз бўлган заиф ҳадис бўлиб, бу Термизий истилоҳида келган ҳасан ҳадисга ўхшашдир. Иккинчиси - тарк этиш вожиб бўлган, ўта заиф маъносида келган, «вахий» (қулоққа шивирланган сўз) деб номланган ҳадис

---

<sup>26</sup>«Шарҳ-ун-нуҳба», 11-саҳифа; «Ал-фуййуг-ус-Суютий», 42- хошия.

эди<sup>27</sup>.

Муҳаддислар, саҳиҳ билан ҳасан ўртасида муштарак бўлган баъзи лафзларни зикр қилишган. Мақбул ва мўътабар ҳадис борасида қўлланган бу лафзлар: жаййид, мужаввад, қавий, собит, махфуз, маъруф, солиҳ ва мустаҳзан сингари сўзлардир. Буларнинг ишлатилишида истилоҳий маънодан кўра луғавий маъноси кўпроқ мулоҳаза қилинади. Чунончи, мужаввад билан жаййид, собит билан қавий сўзлари бир-бири билан қиёсланганда бу лафзлар таъбирда фарқли маънода қўллангани равшан бўлади.

Заиф - таркибида «саҳиҳ» ва «ҳасан» ҳадисларнинг<sup>28</sup> сифати бўлмаган ҳадис. Учинчи тур ҳисобланган заиф ҳадиснинг энг мувофиқ таърифи ана шу.

Заиф ҳадиснинг кўпгина хиллари бор. Булардан ўзига хос номга эга бўлган хилларини қуйида изоҳлаймиз.

**Заиф ҳадиснинг турлари:** *Мурсал - санадидан саҳоба тушириб қолдирилган ҳадис. Масалан, тобиъийндан бўлмиш Нофиъ: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар» ёки «Бундай қилдилар» ёхуд «У зотнинг ҳузурда бундай қилинди» дейди ёки шунга ўхшаши бир таъбирни қўллайди, дейлик; бу ўринда ҳадис иттисолни (боғлиқчиқни) йўқотгани учун — заиф; ровийси томонидан саҳоба тушириб қолдирилгани учун - мурсал бўлади. Мурсал ҳадис дин бобида ҳужжат ҳисобланмайди. Муҳаддисларнинг қарори ана шу. Лекин кўпчилик уламолар бир саҳоба мурсал тарзида ривоят қилган ҳадисни ҳужжат деб қабул қилишади ва бундай ҳадисларни заиф деб ҳисоблашмайди. Чунки, ўша саҳоба мурсал тарзида ривоят қилган шу ҳадисни мутлоқ бошқа бир саҳобадан эшитганки, у саҳоба аҳволининг ноаниқлиги ҳадисни заиф деб ҳисоблашга асос бўлолмайди.*

Мунқотиъ - санадида бир ровий тушириб қолдирилган ёки санадида мубҳам (номаълум) бир кишига ўрин берилган ҳадис<sup>29</sup>.

---

<sup>27</sup> «Қавоид-у1;-тахдис», 83-саҳифа

<sup>28</sup> Ат-тадриб, 59-саҳифа

Мунқотиъ ҳадис ҳам худди мурсал ҳадисдек санадида иттисолни (боғлиқликни) йўқотгани туфайли заифдир.

Ҳофиз Ал-Хатийб Ал-Бағдодий, «Ал-кифоя фий илмир-ривоя» номли асарида бундай дейди:

«Мунқотиъ мурсал кабидир. Фақат бу истилоҳ кўпинча санадида тобиъийн тушириб қолдирилган ривоят ҳақида қўлланилади»<sup>30</sup>. Ҳофиз Ал-Хатийбнинг «кўпинча» деган таъкиди билан, мунқотиъ борасида биз келтирган таъриф орасида ҳамма жиҳатдан мутаносиблик йўқлиги аён. Ал-Хатийбнинг сўзи, мунқотиъ ҳадисларда кўпинча намоён бўладиган бир сифатга нисбатан алоҳида истилоҳдир. Ҳақиқий таъриф юқорида биз тақдим этган таърифдир.

Муъдал - санадидан икки ёки кўпроқ ровийси тушириб қолдирилган ҳадис.

Муъдал махсус важҳ асосида мунқотиънинг бир қисми ҳисобланади. Бу ўринда ҳам заъфнинг сабаби, худди мурсал ва мунқотиъда бўлганидек, санадида иттисолни (боғлиқликни) йўқотганлигидир. Агар бу уч истилоҳ орасида бир ўлчов-даража қўядиган бўлсак, муъдалнинг аҳволи мунқотиъдан кўра ёмонроқ, мунқотиънинг аҳволи эса мурсалдан кўра ёмонроқ деб айтишимиз мумкин. Демак, муъдалнинг мунқотиъдан кўра ёмонроқ эканлиги - инқитоъ, яъни узилиш санадининг бир жойида бўлгани учундир. Мабодо, инқитоъ, яъни узилиш санадининг икки жойида. ёки янада кўпроқ жойида бўлса, унда муъдалнинг аҳволидан фарқи қолмайди.

Мудаллас - айби яширинган ҳадис. Шу маънони билдирадиган мудаллас иккига бўлинади:

а) **Иснод тадлиси.** Бир ровийнинг, ўзи билан бир даврда яшаган ва ўзи билан учрашган кишидан эшитмаган ҳолда ундан ҳадис ривоят этмоғи ёки бир даврда яшаган, лекин ўзи билан учрашмаган бир кишидан, худди унинг оғзидан эшитгандек, қилиб ҳадис ривоят қилмога иснод тадлиси дейилади.

---

<sup>29</sup> «Ихтисор-у улумил-ҳадис», 53-саҳифа.

<sup>30</sup> «Ал-қифоя», 21-саҳифа.

Ибнус-Салоҳ мудаллас ҳадисни ана шундай таърифлайди. Тадлис борасида бошқа таърифлар ҳам зикр қилинган. Бу таърифларнинг ҳаммаси, бир шайхдан эшитмаган ҳадисни худци ундан эшиггандек қилиб ривоят қилиш ҳолатига асосланган.

б) **Шайхлар тадлиси.** Бир шайхдан эшитган ҳадисни ундан ривоят қилганда, ўша шайхнинг танилмаслиги учун уни таниқсиз бир исми ёки куняси (тахаллуси) билан аталмоғи ёки шайхини ёхуд шайхининг шайхини таниқсиз бир сифат билан сифатлантирмоғи - шайхлар тадлисидир.

Айрим муҳаддислар тадлисни кенгроқ қилиб, атф тадлиси, қатъ тадлиси, тасвия тадлиси, сукут тадлиси, таврия тадлиси, истидроқ тадлиси ва шу каби бошқа атамалар билан турли хшшарга ажратишган. Бу хилларнинг ҳаммаси «**иснод тадлиси**» қисмига тегишли,

**Муаллал** - зоҳиран иллатсиз кўринса' ҳам, саҳиҳлигига жароҳат етказадиган бир илллати юзага чиқарилган ҳадис. Имом-ал-Бухорий, Имом-Ат-Термизий ва Ал-Ҳоким ибораларида қўлланганидек, бу ҳадис «**маълул**» ҳам дейилади. «**Муолл**» деб аталса, янада яхшироқ.

Музтариб - бошқа-бошқа (беқарор) ва бир-бирига яқин сабаблар билан ривоят қилинган ҳадис. Имом ан-Нававийнинг фикрича, таъриф шу. Бордию, ривоятлардан биронтасини бошқасидан устун қўйиш мумкин бўлса, унда бу ҳадис «музтариб»лик ҳолатидан чиқади. Изтироб (беқарорлик) кўп марта санадда ва баъзан матнда юз беради, агар изтироб фақат матнда юз берса, у ҳадис камдан-кам «музтариб» деб номланади. Изтироб ҳам санадда, ҳам матнда учраши мумкин. Биз таржимада «чалкашлик» иборасини «изтироб»нинг муқобили тарзида қўллаётимиз. Бу сўз луғавий жиҳатдан асосан «беқарорлик» маъносини билдиради.

Мақлуб - ровийлардан биронтаси, матнда бирор сўз ўрнини ёки санадда бирор ровий номини ёки насабини аниқ тутмасдан, орқага олиниши лозим бўлган сўз, ном ёки насабни олдинга ўтказиши, ном ёки насабни орқага олиши ёхуд бир нарсани бошқа бир нарсанинг ўрнига қўйиши тарзида ривоят қилган ҳадис. (Қисқаси, мақлуб - матнда бирор сўз ўрни ёки санадда

бирор ровий номи ёки насаби ўрни алмашиб қолган ҳадис). Мақлуб - ўзгартирмоқ маъносида келадиган «қалб» сўзидан ясалган исми мафъулдир. (феълдан ясалган от). (Масалан, бирор нарса ўзгартирилганда ёки сохталаштирилганда «қалбаки» деб аталади).

Таърифдан англашилган сабабга кўра, «қалб» (ўзгариш) иснодда ҳам, матнда ҳам бўлиши мумкин.

Шоз(з) - ривояти мақбул бўлган ровий ўзидан кўра мақбулроқ бўлган ровийга муҳолиф (қарши) тарзда ривоят қилган ҳадис. Ҳофиз ибн Ҳажар шоз(з) ҳадисга ана шу таъриф муносиб эканлигини айтади.

Мункар - заиф ровий сиқа (ишончли) ровийга муҳолиф (қарши) тарзда ривоят қилган ҳадис. Мункарнинг энг ихчам таърифи шу. Мункар ҳадис ровийсининг заиф эканлиги жиҳатдан шоз(з) ҳадисдан фарқланади. Чунки шоз(з) ҳадиснинг ровийси - сиқа (ишончли) киши, мункар ҳадиснинг ровийси эса заифдир. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтайликки, «мункар»нинг муқобили - «маъруф», шоз(з)нинг муқобили «маҳфуз»дир.

**Матрук** - ҳадисда ёлғончилиги тахмин қилинган ёки хоҳ феъли, хоҳ сўзи билан фосиқлиги аён бўлган ёки беҳад ғафлатда қолган ёки ваҳм-хаёли кўп бўлган (хаёлпараст) ровий ривоят қилган ҳадис.

Бу - навли ҳадислар «матрук» дейилиб, «мавзуъ» дейилмаслигига сабаб шуки, фақат ёлғончилик тахмини туфайли бир ҳадис мавзуъ деб ҳукм қилинмайди, ёлғончилиги феълан собит бўлиши керак.

Ушбу бўлимда, юқоридаги уч турли ҳадислар орасида муштарак бўлган айрим истилоҳлар устида тўхталамиз.

Марфуъ - қавл (сўз), феъл ёки тақрир сифатида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламгача кўтарилган ҳадис. Хоҳ саҳоба, хоҳ тобиъийн, хоҳ улардан кейингилар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалтирган ҳадис марфуъ дейилади. Бундан шу маъно чиқадики, марфуъ ҳадис ҳаммиша ҳам муттасил бўлавермайди. Баъзан санадидан саҳоба тушиб қолиб, мурсал бўлади. Баъзан ровийлардан бири тушиб қолиб ёки санадида мубҳам бир киши зикр этилиб, мунқотиъ бўлади. Баъзан икки ёки бундан кўп

ровий тушиб қолиб, буткул муъдал бўлиб қолади. Айтилганидек, бу уч ҳолатда ҳадис заиф деб сифатланади.

Муснад - санади Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламгача марфуъ тарзида, ровийсидан то интиҳосига қадар муттасил етиб борган ҳадисдир.

Муттасил - санади бошидан охирига қадар муттасил етиб борган ҳадис. Бу Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалган бўлиши шарт эмас. Саҳобада ёки ундан кейинги ровийда мавқуф бўлган (тўхтаган) бўлиши мумкин. Бу ҳадис айни вақтда мавсул деб аталади.

Мавқуф - қавл (сўз), феъл ёки тақрир сифатида саҳобага изофа қилинган ҳадис.

Мақтуъ - қавл (сўз), феъл ёки тақрир сифатида тобиъийнга изофа қилинган ҳадис.

Муаллақ - санадининг бошидан бир ёки бир неча ровий кетма-кет тушириб қолдирилган ҳадис.

Ғариб ва фард - саҳобадан кейин санадининг ҳар қандай бир жойида битта ровий якка ҳолда ривоят қилган ҳадис.<sup>31</sup>

«Ғариб ва фард» сўзлари орасида луғат ва истилоҳ жиҳатидан муштарак уйқашлик бор. Бу боғлиқлик фақат якка-ёлғизлик ва тоқлик маъносида бўлиб, ҳадис олимларидан айримлари бу хил ҳадисларни баъзан фард, баъзан ғариб деб аташларининг сабаби шудир.

Олий - санадида ровий саноғи оз бўлганидан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга яқин бўлган ҳадис.

**Нозил** - санадида ровий саноғи кўп бўлганидан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан узоқлашган ҳадис.

Тобиъ ва шохид - бир ҳадиснинг бошқа бир ҳадисга мувофиқ келишидир.

---

<sup>31</sup>Ғариб ва фард ҳадисни юқорида машхур, азиз ва мустафиз ҳадислар билан бирга саҳих ҳадиснинг турлари сифатида зикр қилгандик. Дарвоқе, бу навли ҳадислар «аксоми салоса», яъни саҳих, ҳасан ва заиф каби уч турдаш ҳадислар орасидаги муштарак ҳадислардир. Саҳих бўлганларвдек, ҳасан ҳам, баъзан заиф ҳам бўлиши мумкин. Чунончи, «Илм талаб этмоқ ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарздир» деган ҳадис машхур бўлиши билан бирга ҳасан ҳамдир. «Қалблар ўзларига яхшилик қилганларни севгувчи кшшб яратилгандир» деган ҳадис машхур ва заифдир. Шунингдек, марфуъ, мақтуъ ва мавқуф ҳадислар орасида машхур бўла туриб, асли (асоси) бўлмаган бир қанча ҳадислар бор.

Агар мувофақат лафзда бўлмай, фақат маънода бўлса, бу ҳадис шохид дейилади. Агар мувофикдик ҳам лафзда, ҳам маънода бўлса, бундай ҳадис тобиъ ёки мутобиъ дейилади.

Агар мувофақат ровийнинг шайхидан то санаднинг охирига қадар бутун санадда мавжуд бўлса, бундай ҳадис мутобааи тамма дейилади; агар санаднинг бир қисмида бўлса, ноқиса дейилади.

Агар ҳадиснинг лафзида ҳам, маъносида ҳам мувофиклик учрамаса, бу фард ва ғариб дейилади.

Мудраж - матнида ёки санадида асли ўзида бўлмаган бирор қўшимча топилган ҳадис.

Саҳиҳ ва ҳасан ҳадисларнинг ровийлари оз ва оддий (содда) ҳам бўлсалар, ҳадисларида учраган қўшимчаларга диққатни тортадилар ва бу қўшимчанинг кимга оид эканлигини аниқ белгилайдилар. Токи бегона бир сўз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига аралаштирилмасин ва у киши айтмаган бирор сўз у зотга изофа қилинмасин. Идрож, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисида ўтган баъзи тушунилмаган сўзларни тафсир қилмоқ мақсадида ёки бир шаръий ҳукми изоҳламоқ мақсадида қилинади.

Мусалсал - бир сифат ё бир ҳол ёки бир кайфият борасида ровийлари игтифоқ қилган ҳадис.

Мусалсал - занжирдек (силсиладек) бир-бирига боғлиқ бўлган нарса, дегани. Бу ўриндаги тасалсул ҳар бир ровийнинг ҳадисни ривоят қилганда муайян бир сўз ё ҳаракати ёки кайфияти санадда ўзидан олдин келган ровийдан айнан нақл этилмоғидир.

Мусалсалнинг турли хиллари бор.

Музаҳҳаф - нуқталари ўзгартирилиб, бир ёки бир нечта ҳарфи ўзгарган, аммо ёзма шакли боқий қолган ҳадис.

Мабодо, ёзма шакли ўзгарса, у муҳарраф дейилади. Ибн Ҳажар музаҳҳаф ва муҳаррафни ана шундай таърифлаган. Аслида булар мутародиф (маънодош) сўзлардир. Чунончи, айрим муҳаддислар бу икки лафз орасини



ажратмаганлар.

### “СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ” ҲАДИСЛАРИДАН:

1. Аллоҳ наздида энг яхши дўст деб одамларга доимо хайрли ишларни қилиб юривчи кишига айтилади. Аллоҳ наздида энг яхши қўшни ўз қўшниларга яхшилиқ қилғувчисидур.
2. Одамларга шукр айтмайдиган киши Аллоҳга ҳам шукр қилмайди.
3. Одамларга хайрихоҳлигини-бу сенинг садақанг. Хайрли ва яхши ишлар қилишга даъват этишинг ва зулмдан қайтаришинг-сенинг садақанг. Адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатишинг ҳам –садақа. Ҳатто камбағалларга хушмуомалада бўлишинг ҳам – сенинг садақанг. Ерда халақит бериб ётган бирор тош, тиканак ёки суякни бир чеккага олиб қўйишинг ҳам - садақа. Ўз пақирингдаги сувдан бошқаларнинг идишларига солиб беришинг ҳам сенинг садақанг ҳисобланади.
4. Икки нарса борки, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири-соғлиқ, иккинчиси-бўш вақт.
5. Кимда-ким жамоат намозига имомлик қилгудек бўлса, уни қисқароқ ўқисин, чунки жамоанинг орасида болалар, қариялар, хасталар ҳамда юмушидан чарчаб келган кишилар бўлиб қолиши ҳам мумкин. Борди-ю кишининг яқка ўзи номоз ўқигудек бўлса- қисқа ўқийдими ё узун ўқиши ўз ихтиёрида.
6. Чинакам сабр-тоқатли деб мусулмон кишининг мусибат юз бергандаги чидамлигига айтилади.
7. Яқин кишиси вафот этганда жоҳилият давридаги одат бўлган ёқа йиртиш, ортиқча навҳа тортиб йиғлаш каби одатларга амал қилган зот мусулмон саналмайди.
8. Марҳумларнинг фақат яхши сифат ва қилмишларини сўзлаганлар. Ўлган киши ҳақида ёмон сўзлар айтилмасин.
9. Ҳақиқий мўмин деб хушхулқ ва аёлига нисбатан хушмуомала кишига айтилади.

10. Кимда-ким бир кўчат ўтқазса, ё бўлмаса экин эксаю, улар ҳосилидан одамлар, қушлар ва ҳайвонлар баҳра олса- бу ҳам ўша одам учун садақа саналади.
11. Барча мусулмонлар ўзаро биродардурлар. Улар ҳеч қачон бир-бирларига ёмонликни раво кўрмасликлари керак. Кимда-ким ўзининг мусулмон биродарига ёрдам қилса, охиратда Аллоҳ унга ёрдам қилади. Кимда-ким ўз биродари ҳожатини енгиллатса, Аллоҳ ҳам унинг охиратини енгил қилади.
12. Кимда-ким мусулмон биродари айбини яширса, қиёмат куни Аллоҳ ҳам унинг хато ва камчиликларини ошқора қилмайди.
13. Пайғамбардан бир киши сўрабди:
14. Эй Расуллоҳ, мен кимни ҳурмат қилай?
15. Ўз онангни, - деб жавоб берибди Пайғамбар. У яна сўрабди:
16. Онамдан бошқа яна кимни?
17. Пайғамбар:
18. Онангни, - деб жавоб берибди.
19. Ҳалиги киши учинчи марта сўраганида ҳам ““Онангни” деган жавобни олибди.
20. У тўртинчи марта ўз саволини қайтарганда, Пайғамбар:
21. Ўз отангни, сўнгра яқинларингни ва қариндошларингни, - деб жавоб берибди.
22. Марҳум отасининг дўстлари билан доимо мулоқотда бўлиб туриш – энг эзгу ишлардандир. Пайғамбар айтибди: “Хола ҳам худди онадек ҳурмат ва эътиборга муносибдур”.
23. Уч хил дуо сўзсиз мустажоб бўлади: мазлумнинг дуоси, мусофир кишининг дуоси ва ота-оналарнинг ўз фарзандлари ҳақидаги дуолари
24. Қариндош-уруғлар билан алоқани узган киши жаннатга дохил бўлмас.
25. Кимнинг кўпроқ қиз фарзандлари бўлса ва у уларни сабр ва матонат билан тарбият этса, аллоҳ қиёматда шу иши учун уни дўзах ўтидан фориф этади.

26. Кимга олийҳиммат берилган бўлса, унга ҳамма нарса берилган хисобланади. Кимга у берилмаган бўлса, унга ҳеч нарса берилмаган бўлади.
27. Агар ҳоким тўғри ҳукм чиқарса, унга иккита савоб ёзилади.
28. Қиёмат кунида Аллоҳга энг яқин инсонлар ва мажлисда энг баландлари одил подшолардир.
29. Икки киши хусусида ҳукм чиқарсанг, иккинчисининг гапини эшитмагунча бир фикр айтма.
30. Қайси шоҳ (ҳоким, бошлиқ) ўз эшигини мискинлар учун ёпиб қўйса, унга Аллоҳ эшиклари беркилади.
31. Ҳоким кечирувли бўлмоғи керак, чунки ҳокимнинг кечирувида хато қилганни жазоламаслик хато қилганидан афзалдир.
32. Ҳазрат Расулуллоҳ: “Икки кишининг таоми уч кишига, уч кишининг таоми тўрт кишига етади”, дея марҳамат қилганлар.
33. Расулуллоҳ: “Мен ёнбошлаб таом емайман”, деганлар.
34. Қайси бир ичимлик маст қилса, ўша ичимлик ҳаромдир.
35. Қазони дуо қайтаради, яхшилик қилиш умрни узайтиради.
36. Динорга ва дирҳам (пул, мол-дават)га кул бўлганларга Оллоҳнинг лаънати ёғилади.
37. Кимки, бошқага зарар етказмоқчи бўлса, Оллоҳ унга зарар етказади.
38. Она жаннатнинг ўртадага эшикларидан биридир, хоҳласанг, ўша эшикни қўлдан бер ёки сақла!
39. Ҳеч бир ота яхши одобдан ва гўзал ахлоқдан кўра яхшироқ нарсани ўз фарзандига ҳадя қилмайди.
40. Аллоҳ наздида энг яхши дўст деб одамларга доимо хайрли ишларни қилиб юрувчи кишига айтилади. Аллоҳ наздида энг яхши қўшни ўз қўшниларига яхшилик қилувчисидир.
41. Одамларга шукур айтмайдиган киши, Аллоҳга ҳам шукур қилмайди,
42. Икки нарса борким, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири – соғлиқ, иккинчиси – бўш вақт.

43. Уч хил дуо сўзсиз мустажоб бўлади: мазлумнинг дуоси, мусофир кишининг дуоси ва ота-оналарнинг ўз фарзандлари ҳақидаги дуолари.
44. Қариндош-уруғлар билан алоқани узган киши жаннатга дохил бўлмас.
45. Кимнинг кўпроқ қиз фарзандлари бўлса ва у уларни сабр ва матонат билан тарбият этса, Аллоҳ қиёматда шу иши учун уни дўзах ўтидан фориғ этади.
46. Кимга олий ҳимматлик берилган бўлса, унга ҳамма нарса берилган ҳисобланади. Кимга у берилмаган бўлса, унга ҳеч нарса берилмаган бўлади.
47. Аллоҳ суйгаи қулига бандаларининг ҳожатини тушуриб қўяди.
48. Илм истамоқ ҳар бир мусулмонга фарздир.
49. Олимлар халқ орасидаги Аллоҳнинг омонатини халққа етказувчи кишилардир.
50. Отанинг дўсти билан дўст тутинмоқ эзгуликдир.
51. Таҳоратсиз кишидан, намоз ва ҳаром пулдан садақа қабул қилинмайди.
52. Жаннатнинг калити – намоз. Намознинг калити – таҳоратдир.
53. Хаста кишининг ҳол-аҳволини сўрагани борувчи жаннат йўлида юрувчи кишидир.
54. Сахий кишиларнинг таомлари шифо бўлиб, бахил кишиларнинг таомлари хасталиқдир.
55. Илм ўрганиш ибодат қилишдан афзал, тақво эса диннинг негизидир.
56. Инсон иззати динидадир, одоби – ақлида, унинг эзгу насаби эса кўркам хулқидадир.
57. Аллоҳнинг ҳалол қилган нарсалари ичида унга энг ёмон кўрингани – талоқдир.
58. Аллоҳнинг ҳалол қилган нарсалари ичида унга энг ёмон кўринагани – талоқдир.
59. Аллоҳга энг ёмон кўринадиган киши – гина ва адоватни узоқ сақловчи одамдир.
60. Ҳаром нарсадан қоч, энг ибодатли одамлардан бўласан.
61. Аллоҳ тақсим қилган ризққа рози бўл – энг бой одам бўласан.

62. Ўз кўшнингга яхшилик қил, бежавотир бўласан.
63. Ўзингга раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўр, ҳақиқий мўмин-мусулмон бўласан.
64. Кўп кулувчи бўлма, чунки кўп кулиш дилни ўлдиради.
65. Эй одам боласи, озга қаноат қилмайсан, кўпга ҳам тўймайсан.
66. Эй одам боласи, кифоя қилгудек ризқинг туриб, ҳаддингдан оширадиган молни истайсан.
67. Эй одам боласи, тонг отиб кўз очаркансан танинг сихат, оиланг тинч, бир кундик таоминг бўлса бор, ортиқча бойлик иташни кўй!
68. Отага кўрсатилган энг катта хурмат унинг дўстларини иззат қилмоқдир.
69. Бировнинг отасини сўккан ўзининг отасини сўккан бўлади, бировнинг онасини сўккан ўзининг онасини сўккан бўлди.
70. Умри узоқ ва ризқи мўл бўлишини истаган одам ота-онасининг иззатини ўрнига кўйсин ва қариндошлари билан алоқасини яхши қилсин.
71. Илмга берилган кишилар қанчалик кўп ўқишса, шунчалик кам билишини ҳис этадилар, илмсиз кишилар эса ўзларини доно санашади.
72. Қачонки ишлар ўз аҳлидан бошқа кишилар қўлига ўтказилса, қиёматни кутавериг.
73. Тўрт тоифа одамларни Аллоҳ ёмон кўради: қасамхўр савдогарни, такаббур камбағални, зинокор кексани ва золим подшоҳни.
74. Қўй боқинглар, чунки у баракадир.
75. Амирнинг соқға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши диндан чиқишдир.
76. Узр сўрашликни камроқ қилинг.
77. Нонни эъзозланглар.
78. Аллоҳ ҳар бир ишда мулойимликни яхши кўради.
79. Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларидан бошланади.
80. Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат.

- 81.Бахтсизлик уч нарсададир: ёмон отда, ёмон хотинда ва ёмон кўшнида.
- 82.Барча бало – тилдандир.
- 83.Кишининг гўзаллиги – унинг тилидан билинур.
- 84.Қабристонни зиёрат қилиб турунглари, зеро у сизларга охиратни эслатади.
- 85.Сафар қилинглари, соғлом бўласизлар.
- 86.Тонгги уйқу ризқни қисқартиради.
- 87.Пора берувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзахга маҳкумдир.
- 88.Сўзда сеҳр бор, шеърда ҳикмат бор.

## **2.2. Абу Исо Муҳаммад Имом Термизийнинг “Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари” ҳадислар тўплами хусусида**

Араб тилида ёзилган манбаларни мутолаа қилар экансиз, Бухорий, Самарқандий, Шоший, Термизий, Насафий, Хоразмий, Кеший, Фарғоний, Намангоний дея танилган юзлаб, балки минглаб олимларнинг исмига ва улар ёзган нодир асарларга дуч келасиз. Улар ҳақида айтилган мақтовлар, уларнинг илм даражалари ва қилган хизматларини ўқисангиз, беихтиёр шундай зотларнинг авлоди эканингиздан фахрланасиз. Ана шундай зотлардан бири, улуғ муҳаддис Абу Исо Термизийдир.

Имом Термизий ҳижрий III асрнинг аввалида – 209/824 йили Термиздаги Буғ қишлоғида ўртаҳол бир оилада таваллуд топган (Ибн Асир). Имом Заҳабий “Сияр аълам ан-нубало” китобида унинг таваллудини ҳижрий 210 сана бошларида, деб келтирган.

Имом Термизийнинг тўлиқ номи Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок бўлиб, куняси Абу Исодир. Имом Термизийнинг ўзи ҳам бу куняни яхши кўрар эди.

Имом Термизийнинг оиласи ва ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумот йўқ. Олимлар Имом Термизийнинг фақатгина: “Бобом асли марвлик бўлиб, Лайс ибн Сайёр даврида Марвдан Термизга кўчиб келган”, деган сўзини келтирадилар.

Имом Термизий умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолгани учун у зотга “Зарийр” деган тахаллус берилган.

Абу Исо Термизий ёшлик чоғида ғоятда тиришқоқ, идрокли ва заковатли бўлиб, тенгдошларидан алоҳида ажралиб турган. Термизийнинг юксак салоҳияти ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллашида яққол намоён бўлди. Бўлғуси олим илм талабида фақат ўз юрти ёки қўшни вилоятлар билан чекланмади. Тарихчи олимлар унинг илмий сафарга чиқиши 240/850 йилдан, яъни йигирма олти ёшидан бошланганини, илм талабида узоқ юртларга, қатор хорижий мамлакатларга сафар қилганини айтишган. Жумладан, Бухоро, Марв, Рай, Басра, Куфа ва Ҳижоз (Макка ва Мадина)га сафар қилиб, кўплаб муҳаддислар, уламолар билан мулоқотда бўлиб, улардан таълим олган.

Имом Термизий кўп ўрганиш ва изланишлар натижасида даврининг забардаст олими бўлиб етишди. Абдулкарим Самъоний у ҳақда: “Имом Термизий ҳеч шубҳасиз, ўз асрининг имомидир”, деган. Ҳоким Абу Аҳмад: «Мен Умар ибн Алакнинг: “Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий вафот этди. Хуросонда ўзидан кейин илм ва тақвода Абу Исога ўхшашини қолдиргани йўқ”, деб айтганини эшитганман», дейди.

Узоқ йиллик илмий ҳаётдан сўнг Имом Термизий 279/892 йил ражаб ойининг ўн учинчисида, душанба куни ўзи туғилиб ўсган Буғ қишлоғида вафот этди. Ҳозир у зотнинг қabri Ўзбекистондаги машҳур зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади.

Имом Термизий жуда кўп асарлар ёзиб қолдирган. Улар орасида “Шамоили Муҳаммадия” алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу китоб Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг шамоиллари борасида ёзилган энг улуғ ва фойдали манба ҳисобланади. Муаллиф ушбу китобда мавзуни чиройли услубда тартибга солган ва мухтасар ҳолда жамлаган. Асар ўқувчига малол келадиган даражада батафсил ҳам, мақсадни ифодалашда камчилик пайдо қиладиган даражада қисқа ҳам эмас. Ибн Касир “Ал-Бидоя ван ниҳоя” китобида: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг шамоиллари

борасида илгари ҳам, ҳозирда ҳам китоб ёзганлар кўп. Имом Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг китобини шамоил борасида жуда фойдали ва аъло даражада ҳадисларни жамлаган асардир. У зот бу йўналишда машҳур “Шамоили Муҳаммадия” китобини ёзган. Каминада у зотга етадиган муттасил санад мавжуд», деган<sup>32</sup>.

Мулла Али Қори китоб ҳақида: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ахлоқлари ва шамоиллари борасида ёзилган китобларнинг энг гўзали Термизийнинг “Шамоили Муҳаммадия” асаридир. Бу китобни ўқиган киши Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни кўргандек бўлади ва ҳар бобда у зот (алайҳиссалом)нинг шарафли хислатлари ҳақида тасаввур ҳосил қилади”, деган.

“Шамоил” сўзи луғатда инсоннинг хислатлари, сифатлари, ўзига хос хусусиятлари, ахлоқ-одоби каби маъноларни билдиради. “Фалончи гўзал шамоил эгаси” дейилганда унинг ахлоқи гўзал экани тушунилади. Шунинг учун Имом Термизий ва у зотдан бошқа аҳли илмлар Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг сифатлари, ахлоқлари, одоблари ва шунга тегишли бўлган бошқа хислатларни “шамоил” деб номлаганлар. Имом Термизийнинг “Шамоил” китоби турли номлар билан нашр қилинган. Бу номлардан энг машҳурлари “Шамоили Набавийя” ёки “Шамоили Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)” бўлиб, бу номлар энг кўп ишлатилган. Баъзан “Шамоили Муҳаммадия”, “Шамоили Мустафо” номлари ҳам ишлатилади. Гоҳо олимлар китобни муаллифига ҳам нисбат бериб “Шамоили Термизий” ёки “Шамоили Термизийя” деб ҳам ишлатганлар.

Китобнинг турли номланишига сабаб унинг умумий муқаддимаси йўқлигидир. Чунки муаллифлар одатда, китобнинг кириш қисмида унинг қайси мавзуда ёзилгани, номи нима экани ва йўналишини баён қиладилар. Имом Термизий бўлса, басмала ва ҳамд айтгандан сўнг тўғридан-тўғри китобни бошлаб кетган. Шунинг учун китоб турлича номланган.

---

<sup>32</sup> <http://hidoyat.uz/>



Имом Термизийнинг шамоили китоблари Ислом оламида энг кўп тарқалган китоблардан бири ҳисобланади. Китобнинг қўлёзма нусхалари ададини аниқлаш жуда мушкул. Чунки баъзи қўлёзма нусхалар шахсий фондларда сақланаётган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган “Шамоили Муҳаммадия” китобининг қўлёзма нусхалари қуйидагилар:

1. “Шамоили Муҳаммадия” китобига ёзилган форс тилидаги шарҳ. Шарҳловчи Абул Хайр Фазлуллоҳ ибн Рўзбахондир. Бу китоб “Шамоили Муҳаммадия” асарининг форс тилига таржимаси бўлиб, аввал арабча матн ёзилган. Сўнгра ёзув остидан форсча ёзилиб, кенг услубда шарҳланган. Китоб № 2351 рақами остида сақланади.

2. “Жамбул Васоил шарҳи Шамоил” китобининг қўлёзма нусхаси, № 422 рақами остида сақланади. Ушбу қўлёзма жуда равон насх хатида кўчирилиб, ҳижрий 1231 сана рабиул аввал ойида тугалланган.

3. “Шамоили Муҳаммадия” китобига ёзилган арабча шарҳ. Шарҳловчи исми номаълум, чунки қўлёзманинг аввалги ва охириги варақлари йўқ. Қўлёзма № 461 рақами остида сақланади.

4. Жамланма китобда келган қўлёзма нусха бўлиб, №441 рақами остида сақланади. Ушбу қўлёзма ҳижрий 1350 санада кўчирилган.

5. “Шамоили Муҳаммадия” китобининг ҳижрий 990 санада Маккаи мукаррамада кўчирилган қўлёзма нусхаси. У 90 варақдан иборат бўлиб, № 481 рақами остида сақланади.

6. XVI асрга оид яна бир қўлёзма эса 104 варақдан иборат. “Шамоили Муҳаммадия” китобининг ушбу қўлёзмаси 1980 йили офсет босмада чоп этилган бўлиб, унга Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг раиси, марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон ҳазратлари қисқача сўзбоши ёзган. У № 2797 рақами остида сақланади<sup>33</sup>.

“Шамоили Муҳаммадия” асарига кўплаб шарҳлар ёзилган. Уларни бирон бир адад билан чегаралаш мумкин эмас. Ҳозиргача қилинган илмий

---

<sup>33</sup> Имом Термизий. “Шамоили Муҳаммадия”. “Меҳнат”.Т., 1991. -108 бет

тадқиқотлар шуни кўрсатдики, китобга ёзилган шарҳлар 80 тадан ошиқроқ бўлиб, уларнинг номлари тарих китобларида келгандир.

Туркий шарҳлардан энг машҳури шайх Ҳисомиддин Ҳасан ибн Муҳаммад Нақшбандийнинг шарҳларидир. Китоб ўзбек, инглиз, француз, урду, форс каби дунёнинг бир неча тилларига таржима ҳам қилинган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳадис илмининг ривожини ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг сийратлари кенг оммага етиб боришида улуғ ватандошимизнинг хизматлари буюқдир. Хусусан, у зот “Шамойл” асарида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг хулқ-атворлари, ташқи кўринишлари, амалга оширган ишларини мукаммал тарзда баён этиб берган. Уни мутолаа қилган китобхон Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни янада яқиндан танийди. Аллоҳ таоло бу бобокалонимизнинг хизматларини қабул этиб, жаннатдаги мартабаларини юқори қилсин!

### **Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламинг ахлоқ ва одат шарифалари ҳақиндаги ҳақиқатлар**

Оламларга раҳмат бўлмиш зот – Расули акрам ва Ҳабиби муҳтарам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳар бир ҳадислари, иршодлари, кўрсатмалари Ислом умматининг ҳар бир жамоаси, тоифаси, фирқалари ва мазҳаблари томонидан ҳурмат билан қабул қилинган. Уламолар, мужтаҳидлар уларни тушунишга, амалиётга жорий қилишга бор имкониятлари солиб, ҳаракат қилиб келганлар. Ҳар бир макон ва замоннинг мусулмонлари ўз уламоларининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан келтирган сўзларини қабул қилишга одатланганлар.

Ҳеч ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари айтилганида, бирданига уни заиф ёки мавзуъ дейишга ботина олмаган, очиқчасига инкор қилишга журъат қилмаган. Ҳадиси шарифнинг саҳиҳ, заиф ёки мавзуълиги чуқур илм талаб қиладиган, изчил изланишлардан сўнг маълум бўладиган нарса бўлгани боис, оддий шароитда, ҳадис дейилган иборага ҳурмат кўрсатилаверган. Амалда мазкур айтилган ҳадисдаги

хукмдан бошқаси қилинаётган бўлса-да, ушбу амални пеш қилинмаган. Балки, ундан бошқа шу хилдаги ҳадиси шариф борлиги изҳор қилинган.

Ҳадиси шарифни ёки ундаги ҳукмни инкор қилиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқа ким бўлишидан қатъий назар, унинг фикрини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисига қарши айтиш айб ҳисобланган. Зотан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларига ҳақиқий маънода қарши чиқиш куфрдир. Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларига юзаки, оғзаки тарзда, суратан қарши чиқилса, бу қабоҳатдир. Ҳадис айтилганда, бирданига қўпол равишда қарши чиқиш асло мумкин эмас. Гарчи муайян ҳадис саҳиҳ мақсад ва тўғри қараш ила тарк қилинаётган бўлса ҳам, ҳурмати юқори қўйилиши шарт.

Мавлоно Али ал-Қори раҳимаҳуллоҳ ўзининг машҳур «Мирқот ал-мафотих» асарида келтиришича, Имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ бир даврада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қовоқни яхши кўрганлиги айтилганида, бир кимса: «Мен қовоқни ёмон кўраман!» дейди<sup>34</sup>. Шунда Имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ унга қиличини ёлонғочлаб, «Имонингни янгила ёки сени ўлдираман» деган. Шунда ўша кимса дарҳол тавба қилган экан.

Юқоридаги ривоятга ўхшаган воқеалар салафи солиҳинлардан кўплаб ривоят қилинган. Уларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларига бўлган ҳурматлари жуда ибратлидир.

Муҳаддис Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ ривоят қилишича, саҳоба Имрон ибн Ҳусайн розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Ҳаёнинг ҳаммаси яхшидир. Ҳаё фақат яхшилик келтиради»**, деган ҳадисни айтган. Шунда яна бир саҳоба Башир ибн Каъб розияллоҳу анҳу: «Мен баъзи китобларда ва айрим ҳикматларда ҳаёда Аллоҳ учун аниқ виқор ва сакина бор эканлигини кўрганман. Сизнинг у ҳадисингиз эса заиф бўлса керак» дейди. Унинг бу гапидан саҳоба Имрон ибн Ҳусайн

---

<sup>34</sup> www.bukhari.uz (c) 2009-2015. ЎзМАО Интернет-ОАВ гувоҳномаси №

розияллоху анху қаттиқ ғазабланиб кетади, икки кўзи қизариб, жаҳли чиқади ва: «Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳадисини айтсам, сен унга муораза қилиб, қарши чиқасанми?!», дейди. Саҳоба Имрон ибн Ҳусайн розияллоху анху ҳадисни яна қайтаради. Башир ибн Каъб розияллоху анху ҳам гапдан қолмай, ўз гапини такрор айтади. Имрон ибн Ҳусайн розияллоху анху баттар ғазабланади. Шунда Башир ибн Каъб розияллоху анху Имрон ибн Ҳусайн розияллоху анхунинг нима учун ғазабланаётганининг асл сабабини билиб қолади ва: «Биз бунақа-да тортишаверамиз, эй, Абу Нужайд (Имрон), мен сиз тарафдаман, ҳечкиси йўқ!», деб уни тинчлантиради.

Таниқли саҳоба Ибн Умар розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: **«Кечаси масжидларга боришга аёлларга изн беринглар!»** деган ҳадисини айтади. Шунда ўғли Билол (ёки Воқид): «Аллоҳга қасамки, мен уларга изн бермайман!» деб дағаллик билан қасамини такрорлайди. Ибн Умар розияллоху анху унга: «Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам аёлларга изн беринглар, деган десам, сен изн бермайман, дейсанми?!» деб ғазабини сочиб, сўккан экан. Бу ривоятни муҳаддислардан Имом Муслим раҳимахуллоҳ, Абу Довуд раҳимахуллоҳ ва Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ ривоят қилган бўлиб, Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ ривоятида: «Ибн Умар розияллоху анху шундан сўнг бу ўғли билан умуман гаплашгани йўқ», дейилган. Имом Муслим раҳимахуллоҳ ривоятида эса ровийнинг: «Ибн Умар розияллоху анху нинг бу тариқада қаттиқ ғазабланиб, сўкканини кўрган эмасман!», дейилгани келтирилган.

Имом Доракутний раҳимахуллоҳ ривоят қилишича, саҳоба Ибн Умар розияллоху анху: **«Ухлаб турганингизда қўлларингизни уч марта ювинг, чунки, ҳеч ким қўли қаерда ётганини билмайди»**, деган маънодаги ҳадисни айтганида бир кимса: «Ҳовуз бўлса, нима қилади?» деган кинояли савол беради. Шунда Ибн Умар розияллоху анху: «Мен сенга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар десам, ҳовуз бўлса, нима қилади, дейсанми?»», деб ғазабланган экан.

Саҳобалардан бири Абдуллоҳ ибн ал-Муғаффал розияллоҳу анҳу жияни билан бирга ўтирганида, у тирик жонзотни нишон қилиб ота бошлайди. Абдуллоҳ ибн ал-Муғаффал розияллоҳу анҳу унга бундай қилмасликни, чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилишдан қайтарганларини айтади. Шунда жиян бу қайтариққа эътибор бермасдан ўз ишини давом қилдира бошлайди. Абдуллоҳ ибн ал-Муғаффал розияллоҳу анҳу яна гапини такрорлаб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини айтади. Жиян яна ота бошлайди. Шунда Абдуллоҳ ибн ал-Муғаффал розияллоҳу анҳу унга: «Сен билан абадий гаплашмайман!», деб қасам ичади ва бу қасамига умрбод содиқ қолади. Ушбу ривоятни Ибн Можжа раҳимаҳуллоҳ ўз ҳадис тўпламида келтирган<sup>35</sup>.

Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг аҳлоқ жамила ва одат шарифалари тамоми оламга машҳурдир. Дўст ҳам, душман ҳам эътироф қилур. Бутун коинот саноҳон хулқу Муҳаммадий эрур. Ҳаммадан зиёда таърифи Қуръони каримнинг «Нун» сурасида яратган холиқлари тарафидан ила ёвмил-қиёмат ислом меҳробларида тиловат этилур. Ҳазрати Ҳақ жалли ва ғало марҳамат қилур: **ВА ИННАКА ЛАЪАЛО ХУЛУ ҚИН ЪАЗИМИН.** Яъни, эй Ҳабиб, ҳеч шак йўқдурки, сиз албатта, ниҳоятда буюк бир хулқ соҳибидурсиз.

Ҳадис китобларидаги мазмунларнинг зиёда хислати шу муборак хулқу азиз таърифиға мабнийдур. Саллоллоҳу ғала соҳибихи васаллам.

1.Ҳазрати Хорижа ибн Зайд ибн Собит Розийёллоҳу анҳум дебдўрлар: Бир жамоа қиблагоҳим ҳазрати Зайд ибн Собит Розийёллоҳу анҳу хизматлариға келиб арз қилдиларки, Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам аҳволи шарифларидан бизларга баён берсинлар. Ҳазрати Зайд дедилар: Мен Жаноби Саййиди одам саллоллоҳу алайҳи васаллам аҳволларидан сизларга

---

<sup>35</sup> Имом Термизий. “Шамоили Муҳаммадия”. “Меҳнат”.Т., 1991. -108 бет

нимани баён қилай? Мен Жанобга ҳамсоя эрдим. Қачон ваҳи нозил бўлса, менга одам юборур эрдилар. Мен бориб, ёзиб берур эрдим. Жанобнинг одатлари биз саҳобалар қачон дунёдан сўз қилсак, дунёдан сўз қилур эрдилар ва қачон охиратдан сўз қилсак, охиратдан сўз қилур эрдилар. Ва қачон таомдан сўз қилсак, таомдан сўз қилур эрдилар. Мана шу баён қилган нарсаларим Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам аҳволларидур. Яъни, хулқларининг баландлигидан ёронлари ила ҳар қисм суҳбатда ширкат қилур эрдилар. Лекин Жаноб баёнлари ва ширкатлари тамоми бефойда нарсалардан пок бўлиб, қайси бобда сўзласалар, ҳамни шинлари учун фойда ва манфаатнинг ўзи бўлур эрди.

Фойда: Ҳазрати Зайд Розииллоҳу анху пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ваҳий китобларидан бирлари эрдилар. Бу зотдан бошқа яна саккиз саҳоба бу давлатга мушарраф эрдилар. Ҳазрат Усмон, ҳазрати Али, ҳазрати Убба, ҳазрати Муъовийа, ҳазрати Холид ибн Саъид, ҳазрати Хунзала, ҳазрати Ёлоу Ҳазрами, ҳазрати Абон ибн Саъид Розииллоҳу анхум.

2. Ҳазрати Амру ибн ал-Ос Розииллоҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам одат шарифалари гоҳо мажлисларида бор зотларнинг ичинда маҳз дилни улфатлантирмак қасдида қавмнинг энг ёмониға юзларини қилиб хусусий сўзлашур эрдилар. Андин аввал одам ўзини хос ҳамсуҳбатлардан хаёл қилур эрди. Чунончи, менга ҳам юзланиб, хусусий суратда гуфтагу қилур эрдилар. Мен хаёл қилдимки, Жаноб ҳузурларида қавмнинг яхшиси мендурман. Шул хаёл устида бир кун мен Жанобга арз қилдим. Ё, Расулуллоҳ, Мен афзалдурманми ё Абу Бакр? Жаноб дедилар: Абу Бакр афзалдур. Кейин мен дедим: Мен афзалдурманми, ё Умар? Жаноб дедилар: Умар афзалдур. Кейин мен дедим: Мен афзалдурманми ё Усмон? Жаноб дедилар: Усмон

афзалдур. Вақтики мен Жанобдан равшан сўроқ қилиб эрдим. Жаноб тамоми сароҳат ила ҳақиқатни сўзладилар. Менинг хотирим учун мадорат учун мени афзал демадилар. Ростнинг ўзини сўзладилар. Кейин мен дедим: Менга бундай саволлар қилмакнинг муносабати йўқ эрди. Кошки бу саволни қилмаган бўлур эрдим. Арзи Жаноби Саййиди одам саллоллоҳу алайҳи касалламда рост муомала ва рост сўздан бошқа нарса йўқ эрди. Дунёда бу сифатдан улуғ сифат бўла олурми?

3.Ҳазрат Анас Розииллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламга ўн йил хизмат қилдим. Жаноб бу узун муддатда менга бирор марта «уф» демадилар. Яъни, ранжиган одам дейдирган сўзни қилмадилар ва мен бир нарсани қилиб қўйган бўлсам, «нима учун буни қилдинг?» демадилар. Бир нарсани қилмай қўйган бўлсам, «Нима учун буни қилмадинг?» демадилар. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам тамоми инсонларнинг хуш ҳулқи эрдилар. Ва жисми атаҳҳурлари ҳам шундоқ эрди. Мен ҳеч бир ипак парчани ё холис ипакни ўзини ё бирор мулойим нарсани ушламадимки, Жанобнинг муборак кафтларидан юмшоқроқ бўлса ва ҳеч бир мушкни ё атрни искамадимки, Жанобнинг муқаддас баданларидаи томган тердан хушбўйроқ бўлса.

Фойда: Бу ҳадис муборакда муболаға ёки ғалат ҳеч йўқдир. Ҳақиқат ўзи шулдир. Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак терларини жам қилиб хушбўй ўрнида истеъмол этмак саҳобаи киром ўрталарида машҳур эрди. Бу борада ажиб бир ҳикоя бордур. Бир кун ҳазрат Анас Розииллоҳу анҳу мажлисда ўлтириб, ниҳоятда хурсанд бўлиб туриб, дедиларки: Мен ушбу қўлларим ила Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қўллариға мусофаҳа қилғондурман. Умримда мен Жаноб қўлларидан мулойим ипак парча ё холис харирни ушламадим ва

кўрмадим. Бу сўзни Ҳазратдан эшитиб, ўлтирган шогирдлари арз қилдиларки, мен ҳам ушбу Чўлларим ила Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам қўллариға мусофаҳа қилғон қўлға мусофаҳа қилишни орзу қилурман. Бахтиёр шогирднинг таманноси сабаб бўлиб, дунёда бу силсила бу кунгача яъни, ўн уч юз йилдан зиёда муддат жорий бўлиб келди. Ва муҳаддислар ўрталарида мусофаҳа ҳадиси деб машҳурдир. Ва шу ҳадисни ривоят этишга мусалсил мусофаҳа қилиниб келингандир.

Ҳазрат Анас Розийллоҳу анху буни ҳам дебдурлар: Бир кун Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам қошларида бир одам ўлтириб эрди. Устида сариқ рангли либос бор эрди. Жанобнинг одат шарифалари бир кишида номуносиб нарсани кўрсалар, ўз юзига демас эрдилар. Ани учун хомуш ўлтирдилар. Кейин сариқ либослик одам тўсиб кетгандан кейин мажлисда ўлтирганларга дедиларки: Сизлар бу бечорани сариқ либос киймакдан май қилсангизлар яхши бўлур эрди.

4.Ҳазрати Ойша Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам мижози муборақлари шундоқ эрдик, таъбларида хулқи беҳаёлик ўзи йўқ эрди. Ва такаллуф ила ҳамма беҳаёлик сўзларни мажлисларда қилмас эрдилар. Ва бозорларда баланд овоз ила сўз қилиш одатлари йўқ эрди. Ва бир киши Жанобға ёмонлик қилса, Жаноб эса анга ёмонлик қилмас эрдилар. Балки афв этур эрдилар. Ва гуноҳидан ўтур эрдилар.

Фойда: Ёмонга ёмон жазо бермай ва андин интиқом олмай афв этмак воқеаси Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бутун ҳаётларининг ҳар лаҳзасида жилва қилиб турган дурахшон сифатларидур. Бу сифат тавзиҳи устинда бир ажиб ҳикоя бордур. Зайд ибн Саъна деган бир яҳудий бор эрди. Ўз забони ила баён қилурки, мен нубувват, яъни, пайғамбарлик аломатларини Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам



вужуд муборакларида топдим. Магар икки аломат боқий қолди. Бири буки: Набийнинг ҳилмлари ғазабларига ғолиб келур. Иккинчиси, бир киши набийий ҳузурларида нақадар нодонлик ва аҳмоқлик қилса, Жанобнинг таҳаммул ва бардошлари шул қадар зиёда бўлур. Мен бу икки сифатни ҳам Жанобда топилурмикин деб, бирмунча кун текшириб турдим. Ва Жаноб ила алоқа ва дўстлик рафти ва омадин кўпроқ қилиб турдим.

Бир кун Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам хужраи саодатдан ташқарига чиқдилар. Ҳазрати Али баробар эрдилар. Рўбарўлариға бадавийға ўхшаган бир одам келиб арз қилди: Ё, Расулаллоҳ, менинг қовмим мусулмон бўлгандурлар. Мен аларга деган эрдимки, мусулмон бўлинглар. Агар сизлар мусулмон бўлсангизлар ризқларингиз фаровон бўлур. Эмди бугун хол шулки, алар устилариға очарчилик келди. Ҳаммалари қийналгандурлар. Менга бу хол сабаб бўлиб, алар Ислом динидан ёниб кетмасалар. Шунинг учун ўзларидан умид қилурманки, шуларга бирор қисм ёрдам етқизсалар. Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Али Розийллоҳу анҳуга боқдилар. Ул зот арз қилдиларки, ё, Расулаллоҳ, ҳозир қошимизда ҳеч бир нарса йўқдир. Зайд ибн Саъна дер: Мен бу ҳолатни томоша қилиб турар эрдим.

Дедим: Ё, Муҳаммад, сиз агар фалон кишининг боғидан бу қадар хурмони муайян вақтда менга бера олсангиз, мен сизга ҳозирдан ўшал миқдор хурмонинг пулини аввалдан берурман. Ва ўшал муайян вақтда сиздан хурмони тўла олурман. Жаноб дедилар: Бу муомалани мен қила олмасман. Магар, боғнинг номини олмай, - тайин қилмай пул берсанг мен муомала қилай. Мен дедим: Қабул қилдим. Кейин ўшал миқдор хурмонинг қиммати учун саксон мисқол нақд тилло бердим. Жаноб мендан тиллони олиб, сўз қилғон бадавийға бердилар ва дедилар: Биродар, инсоф ила иш

қил. Ҳаммалариннинг ҳожатларини раво қил. Зайд бин Саъна дебди: Эмди, Хурмони Жанобдан қабул қилиб олишга бир-икки кун қолди. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар ила бир жанозадин фориғ бўлиб, бир тарафда турган эканлар. Ул ерда Абу Бакр ва Умар Розийёллоҳу анҳумо иккилари ҳам бор эканлар. Мен ул жамоага бордим ва Жанобнинг кўйлак чодраларини тутиб, туриб ниҳоятда аччиқ ва қўполлик ила дедим: Муҳаммад, сен менинг қарзимни бермайдурсанму? Худо номига қасам ичиб дерманки, мен сен авлоди Абдулмуталлибни ҳаммаларингни яхши билурман. Сенлар бировнинг ҳақини олурсизлар, лек бермайдурсизлар.

Ҳазрати Умар Розийёллоҳу анҳу ғазаблари келиб, мени туртдилар. Ва дедилар: Эй, Худонинг душмани. Нималарни айтиб алжираб турубдурсан. Агар мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан қўрқмасам, воллоҳи бошингни узиб ташлар эрдим. Лекин Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам табассум ила менга боқиб турур эрдилар. Ҳазрати Умар Розийёллоҳу анҳуга ниҳоятда яхши бир илтифот ила боқиб дедилар: Эй, Умар, мен бир нарсага ва бу ҳақдор яна бир нарсага зиёда муҳтож эрдук. Ул нарса шул эрдик: Менга яхшилик ила ҳақни адо этишга ва бунга яхшилик ила ҳад талаб қилишга насиҳат қилсанг бўлур эрди. Энди, эй Умар, бу одамни олиб бор, ҳаққи нақадар бўлса топшир. Ва йигирма соъ озор берганлигинг учун ортиқ бергин. Кейин ҳазрати Умар мени олиб кетдилар ва ҳақимни тамом топширдилар Устига яна йигирма соъ зиёда бердилар.

Мен дедим: Бу йигирма соъ нима учун берилур? Ҳазрати Умар дедилар: Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай ҳукм бердилар, кейин мен дедим: Ё, Умар, сиз мени танирсизми? Ҳазрати Умар дедилар: Мен сени танимасман Дедим: Зайд бин Саънадурман. Ҳазрати Умар дедилар: Шул номда яхудларнинг

бир катта алломаси бор, деб эшитур эрдим, ўшал одам сендурсанми? Мен дедим: ўшал одам мендурман. Кейин ҳазрат Умар дедилар: Сен агар ўшал буюк аллома бўлсанг, не учун Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга шундоғ густоҳлик қилдинг. Мен дедим: Нубувват аломатларининг ҳаммасини Жанобда мавжуд топдим. Магар икки аломатни тополмаганим йўқ эрди. Ва аларни ҳам имтиҳон қилмакка навбат келган йўқ эрди. Энди ҳар иккисини ҳам имтиҳон қилдим. Жанобда мукамал бор эрди. Бири ҳилмларининг ғазаблариға голиб келиши. Иккинчиси, нодоннинг жаҳолатидан тадаммулларининг зиёда бўлиши. Бугунги муомала буларни исбот қилди. Энди, эй, Умар, мен мусулмон бўлгонлиғимға сизни шоҳид қилурман. Ва дерманки, менинг ярим молим уммати Муҳаммадийяға садақадур.

Бу сўзни деб Зайд ибн Саъна Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматлариға қайтиб келди. Қўлларида мусулмон бўлди. Андин кейин тамоми ғазотларда шерик бўлди. Охир табук ғазотида шаҳид бўлди. Розиеллоҳу анҳу ва ардоҳу (маохизи: жамъу-л фавоиди жамъу-л васоили).

Ҳазрати Ойша Розиеллоҳу андо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам худо йўлида бўлгон жиҳотдан бошқа мақомда муборак қўллари ила ҳеч кимни урмадилар. На бир ходимни урдилар ва на бир хотинни.

Ҳазрати Ойша Розиеллоҳу андо дебдурларки: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоду алайҳи васалламға бир киши зулм қилган бўлса,, шул золимдан ўчларини олғонликларини бирор бор ҳам кўрмадим. Магар, бир киши Аллоҳ Таоло ҳаром қилган нарсалардан бирини поймол этган бўлса, анинг учун ҳаммадан зиёда ғазаблари келур эрди. Ва Жанобға қачои икки ишдан бирини қилмоққа ихтиёр берилган бўлса, ул ҳолда қайси бири осонроқ

бўлса, ани ихтиёр этур эрдилар. Лекин анда маъсият бўлмаслик шарти ила.

Ҳазрати Ойша Розииллоҳу анҳудан бу ҳам марвидур: Бир кун бир одам Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига кирмоқ учун изи талаб қилди. Жаноб аввал дедилар: Бу одам ўз жамоасининг нақадар ёмон ўғлидур, ё нақадар ёмон биродаридур. Кейин ул одамға ижозат бердилар. Кирди. Ва анга мулойим сўзлар қилдилар. Мен Жаноб қошларида эрдим. Ул киши чиқиб кетгандан кейин арз дилдим: Ё, Расулаллоҳ, бу одам ҳақида баъзи сўзларни қилдингиз, кейин анга мулойим сўзлар қилдингиз. Жаноб дедилар: Эй, Ойша, инсонларнинг ниҳоятда ёмонларидан ҳисоб қилинур. Ул одамики, анинг ёмон сўзлигидан халқ ани ташлаб қўюр. Мен бу одамға мулойим сўз қилишим анинг беҳаёлик ва ёмон сўзлигидан сақланмак. Ва қавмини бунинг питнасидан асраб қолмак учун эрди.

Ҳазрати имом Ҳасан Розииллоҳу анҳудан марвидур. Ҳазрати имом Ҳусайн Розииллоҳу анҳу дебдурлар: Мен отамдан Жаноби жаддимиз Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаммажлислари ила бўлғон сийратларини сўрадим. Отам дедилар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳамиша чеҳралари кулиб турган хушмижоз бир зот эрдилар. Бир маслаҳатга қўшилишлари осон, юмшоқ табиат эрдилар. На қаттиқ сўзлик, тошдиллик, на ҳаёсиз, на айблагувчи, на манман ва на адоватлик бир зот эрдилар. Номуносиб сўз ва феъл бўлиб қолса, андин бепарво бўлур эрдилар. Лекин ўзлари муваффақат этмас эрдилар ва ўзларидан бирор одам бирор нарсаға умидвор бўлса, маъюс ўтмас эрдилар. Уч нарсадан ўзларини алоҳида қилиб олган эрдилар. Биринчи, ношаръий жанжалдан. Иккинчи, ўзларини улуғлашдан ёки сўзни кўп қилишдан. Учтинчиси, бекор сўз, бекор ишдан. Ва уч нарсадан хулқини ҳам алоҳида қилиб қўйган

эрдилар. Биринчи, ҳеч кимни юзига ёмонламас эрдилар. Иккинчи, ҳеч кимни орқасидан ҳам айбламас эрдилар. Учинчи, ҳеч кимнинг айбини топмак учун тажассус этмас эрдилар. Ва қачон сўз қилсалар, савобин умид этган нарса учун сўз қилур эрдилар. Ва қачон сўз гавҳарларини мажлисда сочсалар, хизматларида ҳозир зотлар ҳаммалари бошида қуш ўлтирган одамдек, одоб ва эҳтиёт ила ўлтирур эрдилар. Қачон Жаноб сўздан тўхтасалар, кейин алар сўз қилур эрдилар.

Лекин Жаноб ҳузурларида сўз устида жанжал қилмас эрдилар. Ва кимки қошларида сўз бошласа, анинг сўзи тамом бўлгунча ҳаммалари хомуш туриб, сўзиға қулоқ солур эрдилар. Ҳаммаларининг сўзлари Жаноб қошларида биринчилари сўз бошлаганда қандоқ эҳтимом ила эшитилса, шундоқ эшитилур эрди. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ёронлари нимаға кулсалар, анга кулар эрдилар. Ва нимадан таажжуб қилсалар, андин таажжуб қилар эрдилар. Ва қачон бир ғариб ва мусофир келиб, сўзлаб қолса, анинг сўзини баробар эшитур эрдилар. Қўполликларини кўтарур эрдилар. Сўзида ва саволида бўлғон оғир азиятлариға сабр қилур эрдилар. Шунинг учун саҳобаи киром ғариб ва мусофирларни Жанобнинг ҳузур мубораклариға тортиб олиб келур эрдиларки, суҳбатдан истифода қилсинлар.

Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дер эрдиларки, агар бирор ҳожатманд инсонни кўрсангизлар, мадад ва мусоада этинглар. Ва бир кишининг сано ва таърифин қабул этмас эрдилар. Магар ҳақиқатда бир киши кўрган эҳсонға ташаккур мақомида бир нарса сўзласа, сукут қилур эрдилар. Ҳеч кимнинг сўзини банд қилиб, тўхтатмас эрдилар. Магар сўзда ҳаддан тажовуз қилса, ул ҳолда сўздан ман қилур эрдилар, ё туриб кетур эрдилар.

## ХУЛОСА

2017 йилнинг 14 февраль куни Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг **“Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора тadbирлари тўғрисида”**ги Қарорлари эълон қилинди. Албатта, бу қувончли воқеа ҳар бир илму маърифат ихлосмандлари учун чин маънода қувонарли ҳол бўлди. Қолаверса, улуғ алломага бўлган ҳурмат, унинг шахсига бўлган фахимизнинг ёрқин ифодасидир.

Қарорнинг бир қатор мақсад ва вазифалари белгилаб қўйилди. Жумладан, унда шундай фикрлар мавжуд: “Исломи дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш”.

Чиндан ҳам, буларнинг барчаси ўсиб келаётган келажак авлод учун ажодлар меросини ўрганиш, тадқиқ этиш, халқимизга тушунарли ҳолатда етказиш учун улкан имкониятдир.

Алломанинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳоқ Абу Исо Суллабий Зарийр Буғий Термизий бўлиб, у ҳижрий 209 (мелодий 824) йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида жойлашган) қишлоғида ўрта ҳол оилада таваллуд топган.

Ат-Термизийнинг оиласи ва ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган. Термизийнинг кўзи ожизлиги ҳақида манбаларда турли маълумотлар келтирилган. Баъзи муаллифлар уни туғма кўзи ожиз бўлган деса, кўпчилик муаллифлар олимнинг кейинчалик, умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолганлигини ёзадилар.

Термизий ёшлигидан ўта тиришқоқ, идрокли ва заковатли бўлганлиги боис ўз тенгдошлари ичида ажралиб турган. Илмга ўта қизиқиши туфайли ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллаган. Термиз, Самарқанд, Марв ва Марказий Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламо ва муҳаддислар асарларини кунт билан ўрганган, кўшни Балх ва Ҳайратон шаҳарларидаги илм аҳллари билан илмий алоқалар ўрнатилишига муносиб ҳисса қўшган олимлардан биридир. Ёшлигидан илм-фанга ташна ат-Термизий 850 йилдан, яъни йигирма олти ёшидан бошлаб узоқ юртларга, қатор хорижий мамлакатлар ва шаҳарларга сафар қилади. Жумладан, у Ҳижозда — Макка ва Мадина, Ироқ, Хуросоннинг қатор шаҳарларида кўплаб муҳаддис, уламолар билан мулоқотда бўлиб, улардан таълим олади, қизгин илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этади.

Шу билан бир қаторда ат-Термизий пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини тўплашга алоҳида эътибор билан қарайди. Бу борада у ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. У ўзи ўқиган ёки бирор ровийдан эшитган ҳадисини алоҳида қоғозларга қайд этиб борар, уларнинг асли ва иснодини изчиллик билан аниқлаб тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилсагина махсус қоғозларга қайд этарди. Ҳадисларнинг тўғрилигига шубҳа бўлганда уларни алоҳида ажратиб ёзарди. Шу тариқа ҳадислар саҳиҳ (тўғри, ишончли), ҳасан (яхши, маъкул), заиф (бўш, ишончсиз), ғариб (ғалати) каби хилларга ажратилган.

Ҳадис илмини эгаллашда ва такомиллаштиришда имом ат-Термизий ўз даврининг машҳур муҳаддисларидан таҳсил олди. Имом ат-Термизий ўз даврининг етук муҳаддиси сифатида кўпгина шогирдларга устозлик ҳам қилган. Ат-Термизий зеҳнининг ўткирлиги ҳамда қувваи-ҳофизаси кучлилиги хусусида тарихий манбаларда кўплаб мисоллар, ривоятлар келтирилади.

Муҳаддис бобокалонимиз Имом Термизий замонидаги олимлар унинг ҳадис илмидаги хизматларини юқори баҳолаганлар. Улардан бири

Термизийни ҳадис илмида иқтидо қилинадиган олим деб ёзса, бошқа бир олим эса уни биринчилардан бўлиб ҳадисларни саҳиҳ, ҳасан, заифга тақсим қилганига гувоҳлик беради. Айниқса, асарларидаги раволик фақат зиёли кишилар учун эмас, балки ҳар бир инсон тушуниши мумкин бўлишига сабаб эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Олимлар илмини юксак баҳолаган бобокалонимизнинг ибратли ҳаёт йўллари ва бой маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш биз ёшлар учун ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Ана шундай буюк муҳаддисларнинг авлоди бўлиш ҳар биримизнинг зиммамизга буюк бир масъулиятни юклайди. Бу – уларга муносиб, илм маърифатли, заковатли бўлишдир. Бинобарин, Республикаимизнинг Биринчи президенти Ислоҳ Каримов ўзининг **“Юксак маънавият – энгилмас куч”** асарида шундай деган эдилар: “Аждодларимизнинг ким бўлгани, қандай буюк ишларни қилиб ўтганлари ҳақида ўйланамизми? Уларнинг ана шу буюклигига сабаб бўлган нарса ҳақида бош қотирамизми? Нима уларни улуғлик остонасига чорлаган? Хўш нега Бухорий деганда ислоҳ аҳли эҳтиромдан оёққа туради? Нечун Термизийдек зотлар битган китобларни дунё эъзозлаб кўзига суради? Бу уларнинг покиза имонидан, мустаҳкам эътиқодидан эмасми? Мақсади шон-шуҳрат эмас, инсонларга манфаат етказиш, Аллоҳ ризолигига етишиш бўлганидан эмасми?”.



## АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – 363 б.
2. Каримов И.А.Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари. Т.6.–Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 430 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 689 б.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: Ўзбекистон,– 1999 – 688 б.
5. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 32 б.
6. Каримов, И.А.Юксак маънавият – енгилмас куч. Иккинчи нашри. – Тошкент: Маънавият, 2010. – 176 б.
7. Каримов, И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –440 б.
8. Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. Араб. Тарж. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – 208 б.
9. Абу Исо ат-Термизий. Аш-шамоиал ан-набавийа. Араб. Тарж. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 112 б.
- 10.Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. VI жилдлик. I жилд. Тарж. М.Кенжабек. – Тошкент: Адолат, 1999. – 688 б.
- 11.Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Форсийдан тарж. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. –208.
- 12.Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг даври. Халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. 16 – 17 декабрь, 2004 йил. –Термиз: Университет, 2004. –78 б.
- 13.Ал-Ҳаким ат-Термизий. Ҳадисларнинг биз англаган ва англамаган ҳикматлари. “Наводир ал-усул” асари асосида (араб тилидан таржима).

- Таржима ва муқаддима муаллифи Иброҳимжон Усмонов.–Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006.– 60 б.
14. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Нодир масалалар /Араб тилидан И.Усмонов таржимаси. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2007. – 88 б.
  15. Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва мероси. Ўзбек кураши тарихи, тараққиёти ва истиқболлари. Халқаро илмий конференция материаллари. I- қисм. –Термиз: Университет, 2009. –78 б.
  16. Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти. Ёш авлодни тарбиялашда курашнинг ўрни ва аҳамияти. Халқаро илмий анжуман материаллари. –Термиз: Университет, 2011. –124 б.
  17. Аннаев Т. Ал-Ҳаким ат -Термизий. –Тошкент: Мерос, 1998.–32 б.
  18. Аршавская З.А. и др. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Ташкент: Изд. лит. и искусства, 1982. – 152 с.
  19. Аттор Фаридуддин Нишобурий. Тазкират ул-авлиё. Чопэ панжум. Аз руйэ нусхайэ Ренвальд Никельсон. Ба кўшишэ И.Таваккулий. –Техрон: Энтэшоротэ Беҳзод, 1375. – 943 саҳ.
  20. Аттор Ф. Абубакри Варроқ (р.а.) зикри // Сино. –2001. –№ 2. –Б. 37 –39. Форс тилидан Сайфиддин Сайфуллоҳ таржимаси.
  21. Бердиев Ҳ. Биринчи одам вилояти. – Тошкент: Нур, 1991 – 80 б.
  22. Бобохонов Ш. Ирисов А. Ҳадис илмининг пешволари. – Тошкент: Нур, 1992. – 72 б.
  23. Бозорова М., Муртазоев Б. Ислом маданияти манбаларидаги тарбиявий фикрларни ўрганиш масалалари хусусида // Ўқув-тарбия ишлари самарадорлигини оширишда таълим муассасаларининг ҳамкорлигини модернизациялаш. Термиз ДУ илмий тўплам.– Тошкент: Bayoz, 2012.– Б.6 –8.
  24. Жалолiddин Мирзо. Термиз тарихи. – Тошкент: Шарқ , 2001. – 128 б.
  25. Жалолiddин Мирзо. Термиз саййидлари. – Тошкент: “San’at jurnali” нашриёти, 2008. – 40 б.

- 26.**Жалолоддин Мирзо. Муҳаммад Ҳаким Термизий: ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: “San’at jurnali” нашриёти, 2007. – 40 б.
- 27.**Ипак йўли афсоналари Тузувчи: М.Жўраев.– Тошкент: Фан, 1993.–128 б.
- 28.**Исақова Замирахон Рухитдинова. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқини (Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари асосида). НДА. – Тошкент, 2007. – 26 б.
1. 29. Ислам энциклопедический словарь. –Москва: Наука главная редакция восточной литературы, 1991. –315 с.
- 29.**Истеъломий Муҳаммад. Мавлоно Жалолоддин Муҳаммад Балхий. Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. –Техрон, 2001. –88 б.
- 30.**Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент: “Movgounnahr” – “Ozbekiston”, 2009. – 448 б.
- 31.**Массон М.Е. Городища старого Термеза и их изучение. ТАКЭ. Труды УзФАН, сентябрь 1, вып. 2. –Ташкент,1940. –С. 5– 122.
- 32.**Массон М.Е. Надписи на штукатурке из архитектурного ансамбля у мавзолея 2. Ҳаким-и Термизи. Вып.172. Труды ТашГУ.– Ташкент,1960. –С.44 – 80.
- 33.**Муртазоев Б. Хожа Самандар Термизий // Ленин байроғи. –1973. –10 март.
- 34.**Муртазоев Б. Алишер Навоий Термизийлар ҳақида // ТермизДУ илм.тўп. –Тошкент: Университет, 1999. –Б. 80–83.
- 35.**Муртазаев Б. Легенды и новь древнего Сурхана // Ўзбекистон ҳаво йўллари. –2001. –№ 4. –С. 28–35.
- 36.**Муртазоев Б. Варроқ ат-Термизий // Мулоқот.–2001. –№ 5. –Б. 42 – 43.
- 37.**Муртазоев Б. Саййид Бурҳониддин Ҳусайн Термизий // Til va adabiyot talimi. –2002. –№ 5. –Б. 88 – 91.
- 38.**Муртазоев Б. Ҳаким Термизий илм зикрида // Термиз ДУ илм. тўп. – Тошкент: Университет, 2003. –Б. 128–129.

39. Муртазов Б. Алишер Навоий Термизий алломалар зикрида // Навоийга армуғон. Низомий номидаги ТошДПУ илм. тўп.–Тошкент: ТошДПУ нашриёти, 2006. –Б. 106–109.
40. Муртазаев Б. Путешествие по древней земле Бактрии / Даракчи. 20 июня 2008 г.
41. Муртазов Б. Илм – ҳақиқатдир, ҳақиқат эса илмдир // Tafakkur.–2009.– № 1. – Б. 78– 80.
42. Муртазов Б. Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳикматлари // Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва мероси. Ўзбек кураши тарихи, тараққиёти ва истиқболлари. Халқаро илмий конференция материаллари. 1-қисм.–Термиз: Университет, 2009. –Б. 11 –15.
43. Муртазов Б., Валиқулов Ю. “Манозил ул-ибод мин ал-ибода” асарининг мундарижасига доир// Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва мероси. Шу манба –Термиз: Университет, 2009. –Б. 37 –42.
44. Муртазов Б. Термиз ота ёхуд аллома Ҳаким Термизийнинг таваллуди ва вафоти саналари баҳсига диор янги маълумотлар // Термиз оқшоми. –2009. – 10 апрель.
45. Муртазов Б. Варроқ Термизий ўғитлари // Баркамол авлодни тарбиялашнинг долзарб муаммолари. Иккинчи китоб.–Тошкент: “Fan va texnologialar Markazining bosmaxonasi”, 2010. –Б. 28 – 30.
46. Муртазов Б. Аллома меросининг Ўзбекистонда ўрганилиши // Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти. Ёш авлодни тарбиялашда курашнинг ўрни ва аҳамияти. Халқаро илмий анжуман материаллари.–Термиз: Университет, 2011. –Б. 95 –99.
47. Муртазов Б. Ҳикматлар оламида // Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти. Ёш авлодни тарбиялашда курашнинг ўрни ва аҳамияти. Халқаро илмий анжуман материаллари.–Термиз: Университет, 2011. –Б.102 –103.
48. Муртазов Б., Ҳайдаров Т. Темурийлар ва Термиз шаҳри // Ўзбекистонда моддий маданият ва этномаданий жараёнлар:

- Замонавийлик ва анъанавийлик. Термизда 2011 йил 3-4 май саналарида бўлиб ўтган Республика илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами. – Тошкент: “IPAK YOLI POLIGRAF”, 2011. – Б.163 – 164.
- 49.**Муртазоев Б. Ал-Ҳаким ат-Термизий // Сурхон тонги. –2013. – 6 май, 23 май.
- 50.**Муртазоев Б. Ҳаким Термизий меросининг ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. –2013.–№ 4. –Б.74–75.
- 51.**Муҳаммад ал-Ҳаким ат-Термизий (аллома ҳаётномаси) // Мозийдан садо. – 2001. – № 4. – Б. 20–22. Шу журнал – 2002. – № 2. – Б. 16–17. Форс тилидан Р.Абдуллаев таржимаси.
- 52.**Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн еттинчи том. Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар: С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – 520 б.
- 53.**Наврўз ва табиат сирлари. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний, Ғолиба Жўраева. – Тошкент: Меҳнат, 1991 – 32 б.
- 54.**Нурбахш Жавод. Пирони Балх. –Техрон: Ялдо қалам,1379.– 408 с.
- 55.**Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти.–Тошкент: Университет, 2000. – 96 б.
- 56.**Омонтурдиев Ж. Термиз атамаси тарихидан // Жайхун. ТерДУ хабарлари. – 2005. – № 1 . – Б. 80 – 84.
- 57.**Омонтурдиев, Жаббор. Маърифатнома. –Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2013. –232 б.
- 58.**Пидаев Ш. Қадимий Термиз. – Тошкент: Фан, 2001. –32 б.
- 59.**Пугаченкова Г. Термез. Шахрисабз. Хива. – Москва: Искусство, 1976. – 208 стр.
- 60.**Роузентал Франц. Торжество знания. Концепция знания в средневековом Исламе. Пер. с англ. С.А.Хомутова – Москва: Наука, 1978. – 372 с.
- 61.**Рушдий Муҳаммад Сиддиқ. Авлиёлап султони. Туронлик валийлар. – Тошкент: Камалак, 1995. – 176 б.

62. Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. – Термиз: Жайхун, 1993. – 128 б.
63. Семенов А.А. Происхождение термезских сейидов и их древняя усыпальница “Султан – Садат”. ПТКЛА, XIX (вып.1), год 1915. – С. 3 – 20.
64. Термизий, Хожа Самандар. Дастур ул-мулук: Подшоҳларга қўлланма / Форс-тожик тилидан эркин таржима. Сўз боши, изоҳлар муаллифи: Ж.Эсонов. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. – 272 б.
65. Термизий А.Ҳ. Будувв -уш-шаън // Сино. – 2002. – № 7. –Б. 32 –38. Р.Абдуллаев таржимаси.
66. Термизий алломалар / Сурхон тонги. 2002 йил, 13 март., 30 март. Тузувчилар: Б.Муртазоев, Т.Аннаев.
67. Термиз тазкираси / Мусананиф М. Кенжабек.– Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2001. – 192 б.
68. Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш -Т.: “А.Қодирий”, 1997. 46-б.
3. 69. Турсунов С.ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгисида.Тошкент.”Шарқ”,2001 йил.382-бет.
69. Турсунов С. Термизий буюк сиймолар. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 80 б.
70. Турсунов С.Н ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. -Т.: “Шарқ”, 2004, 605 б.
71. Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти топонимлари. Т.: “А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти”. 2008. 151-бет.
72. Tursunov S., Murtazoyev B. Milliy ma’naviyat va barkamol avlod tarbiyasi. –Toshkent: Ozbtkiston, 2013. –112 б.
73. Турсунов С, Муртазоев Б, Алланов О. Халқ ҳикматларининг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти. – Тошкент: Yangi nashr, 2014. –176 б.
74. Турсуноа Сурхон воҳаси моддий маданияти. Тошкент, “Muharrir”. 2013 йил.323-бет.

4. 75. Уватов У. Муслим ибн ал-Ҳажжож. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 64 б.
75. Уватов У. Муҳаддислар имоми. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 88 б.
76. Уватов Убайдулла. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 40 б.
77. Уватов Убайдулла. Аллома ат-Термизий // Жаҳон адабиёти. – 2002. – № 3. – Б.150 – 154.
78. Уватов Убайдулла. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий). – Тошкент: Шарқ, 2005. – 80 б.
5. 80.. Улуғбек, Мирзо. Тўрт улус тврихи. Форс тилидан Б.Аҳмедов, ва бошқ. тарж. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 352 б.
6. 81.. Усмонов Иброҳимжон. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. – Тошкент: Фан, 2009. – 176 б.
7. 82.. Фаридуддини Аттор. Тазкират-ул-авлиё.–Душанбе: Ориёно, 1992.– 104 б.
8. 83. Ходжа Самандар Термизи. Дастур ал- мулук (Назидание государям). Перевод с персидского, предисловие, примечания и указатели М.А. Салахетдиновой. – Москва: Наука, 1971. – 257 с.
9. 84. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук. Подшоҳлар учун дастур. Тўлдирилган иккинчи нашри. Форс-тожик тилидан эркин таржима, сўз боши, тадқиқот, ҳикоялар, изоҳлар муаллифи Жаббор Эсонов. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 352 б.
- 10.85. Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 48 б.
- 11.86. Холмирзаев А. Соҳибқиронга Термизда берилган фатво // Соҳибқирон юлдузи. –2011. –№ 4. – Б.47– 56.
- 12.87. Эсонов Жаббор. Кўнгилнинг нурли чироғи // Ўзбекистон овози. 1995 йил. 3 август.
- 89.Қодиров Қутлуғбек. Имом ат-Термизий асарларида тарбия масалалари. – Тошкент: Фан ва технология, 2007. – 69 б.

90. Қодиров Қутлуғ-Бек. Имом ат-Термизий ҳадисларида тарбия ва ислом маданияти.—Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. — 120 б.
91. Чориев З., Аннаев Т., Муртазоев Б., Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. — 150 б.
92. Чўтматов Ж. Ҳорис Мухосибий ва Ҳаким Термизий асарларидаги карашларнинг баъзи фарқли жиҳатлари // Диншуносликнинг долзарб муаммолари. IV илмий тўплам. — Тошкент: “Тошкент Ислам университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012. — Б. 261–264.
93. Чўтматов Ж. Ҳакимия ва Накшбандия // Диншуносликнинг долзарб муаммолари. V илмий тўплам. — Тошкент: “Тошкент Ислам университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. — Б. 394–399.
94. Шайх Абдуғани Абдулло. Ал-Ҳаким ат-Термизий // Совет Шарқи мусулмонлари. — 1990. — № 4 (88). — Б. 12 — 14.
95. Ўзбекистон — буюк алломалар юрти / Имом Бухорий халқаро маркази; нашрга тайёрловчи У.Уватов. — Тошкент: Маънавият, 2010. — 400 б.
96. Ҳайитов О.Ҳ., Муртазоев Б. Х. Тариқат ва таълимот // Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг даври. Халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. 16 — 17 декабрь, 2004 йил. —Термиз: Университет, 2004. —Б. 73–76.
97. Hakim Termizi. Hatmu`L-Evliya. Hazirlayan Salih Cift. —Istanbul: İnsan yayinlari, 2006. —208 sah.
98. Ҳаққул, Иброҳим. Тасаввуф ва шеърият.— Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. —184 б.
99. Ҳаққул Иброҳим. Мерос ва моҳият. —Тошкент: Маънавият, 2008.
100. Ҳомидий Ҳамиджон.Тасаввуф алломалари.—Тошкент: Шарқ,2004.—208 б.
101. Ҳофиз Нур Муҳаммад. Тарихи Мозори Шариф воқеъ Балх. — Кобул: Матбаъи умумийэ давлати, 1370. — 100 сах.



102. Хусайн Воиз Кошифий. Футуввати Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Н.Комилов форс-тожик тарж.–Тошкент: Абдулла Қодлирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 112 б.
103. С.Турсунов. Термизийларнинг илмий тафаккури. Т. “O`zbekiston” НМИУ, 2016. -280 б.